2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 20 (276), 2021 йил 29 январь, жума

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

# ЎЗБЕКИСТОН ВА КОРЕЯ ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ САММИТИ БЎЛИБ ЎТДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 28 январь куни Корея Республикаси Президенти Мун Чже Ин билан видеоанжуман шаклида учрашув ўтказди.**





Ушбу саммитни ўтказиш тўғрисидаги келишув давлат раҳбарларининг ўтган йил октябрь ойидаги мулоқотлари давомида эришилган эди.

Музокаралар кун тартибидан Ўзбекистон ва Корея ўртасидаги кўп асрлик дўстлик ва алоҳида стратегик шериклик ришталарини ривожлантириш ва мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари ўрин олди.

Давлат раҳбарлари тадбирни очиб, бир-бирларини самимий қутлар эканлар, ушбу саммит кириб келган янги йилда иккала томон учун ҳам биринчи учрашув эканини қайд этдилар. Бу икки томонлама ҳамкорликда жуда юксак даражага эришилганидан яна бир бор далолат беради.

Таъкидланганидек, кўп қиррали Ўзбекистон — Корея муносабатлари, пандемияга қарамасдан, изчил ривожланишда давом этди. Ўтган йили давлат раҳбарлари телефон орқали икки марта мулоқот қилдилар ҳамда Шимолий иқтисодий ҳамкорлик иккинчи халқаро форумида биргаликда иштирок этдилар.

Мураккаб шароитларда йирик инвестиция ва савдо лойиҳаларининг амалга оширилиши таъминланди, янги кооперация объектлари ишга туширилди. Жанубий кореялик шерикларнинг кўмаги ва иштирокида Тошкент шаҳрида ташкил этилган, минтақамиз учун ноёб бўлган замонавий болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази шулар жумласидан.

Ўзбекистон Президенти корейс томони янги коронавирус инфекциясига қарши курашиш борасидаги халқаро саъй-ҳаракатларга салмоқли ҳисса қўшаётганини юксак баҳолади ҳамда ушбу хавфли касалликнинг олдини олиш, унга чалинганларни самарали даволаш ва реабилитация қилишда мамлакатимизга кўрсатилаётган катта амалий кўмак учун миннатдорчилик билдирди.

Давлат раҳбарлари икки томонлама муносабатлар борасида сўз юритар эканлар, алоҳида стратегик шерикликни янада мустаҳкамлаш ва ҳамкорликни ҳар томонлама кенгайтириш тарафдори эканликларини таъкидладилар.

Мунтазам сиёсий маслаҳатлашувларни давом эттириш ва парламентлараро алмашинувларни фаоллаштириш, мамлакатларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллигига бағишланган икки томонлама тадбирлар дастурини тайёрлаш юзасидан келишувларга эришилди.

Олий, касб-ҳунар ва мактабгача таълим, соғлиқни сақлаш, маданий мерос объектларини рақамлаштириш ва реставрация қилиш соҳаларидаги ҳамкорликнинг жорий ва истиқболли дастурлари кўриб чиқилди.

Президентлар Ўзбекистон ҳудудларида Жанубий Корея етакчи университетларининг филиаллари ва кадрларни профессионал тайёрлаш бўйича қўшма марказлар сони ортиб бораётганини мамнуният билан қайд этдилар. Мамлакатларимизнинг етакчи олий таълим муассасаларида ўзбек ва корейс тилларини ўқитишни кенгайтиришга, шунингдек, корейс диаспорасини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Иқтисодий соҳада Ўзбекистон ва Корея ҳукуматлари ва идоралари даражасида йўлга қўйилган самарали ишлар қайд этилди. Президентлар инвестиция лойиҳаларини илгари суриш ва юзага келадиган масалаларни тезкор ҳал қилиш мақсадида ушбу мулоқотларни давом эттириш топшириғини бердилар.

Таъкидланганидек, жорий йилда жанубий кореялик ҳамкорлар иштирокида амалга оширилаётган лойиҳалар доирасида жами 400 миллион долларгача инвестицияларни ўзлаштириш кутилмоқда.

Бундан ташқари, юқори технологик соҳаларда, шу жумладан, энергетика, нефть-газ, кимё ва нефть-кимё, фармацевтика, қайта ишлаш саноати, қишлоқ хўжалиги, инфратузилмани модернизация қилиш, транспорт ва логистика, туризм ва кўплаб бошқа тармоқларда қиймати жами 3,4 миллиард доллардан зиёд бўлган 55 та янги лойиҳа тайёрланмоқда.

Икки томонлама устувор дастурларни амалга оширишда Иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш фонди (EDCF) ва Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) билан самарали шериклик олиб борилаётгани юксак баҳоланди.

Давлат раҳбарлари ўзаро савдо ҳажмини кўпайтириш муҳим эканини таъкидладилар. Кейинги йилларда товар айирбошлашда рекорд кўрсаткичларга эришилди.

Экспорт-импорт амалиётлари ўртасидаги номутаносибликни текислаш ва уларнинг номенклатурасини диверсификация қилиш масалаларига, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб бериш ҳажмини ошириш учун фитосанитария хизматларининг ҳамкорлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Шу мақсадда томонлар эркин савдо тўғрисидаги икки томонлама битимни имзолаш бўйича музокараларни бошлайдилар.

Президент Мун Чже Ин Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиши масаласига ҳар томонлама кўмаклашишини яна бир бор тасдиқлади.

Саммит чоғида глобал ва минтақавий аҳамиятга эга масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Томонлар БМТ ва бошқа халқаро тузилмалар доирасида, шунингдек, юқори технологиялар, "яшил" ва рақамли иқтисодиёт соҳаларидаги дастурларни илгари суриш мақсадида "Корея Республикаси — Марказий Осиё" ҳамкорлик форуми доирасида яқиндан ҳамкорликни давом эттирадилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Сеулнинг Корея ярим оролидаги вазиятни тинч йўл билан ҳал этиш борасидаги саъй-ҳаракатларини доимо қўллаб-қувватлашини таъкидлади. Томонларнинг минтақавий ўзаро боғлиқликни кучайтириш бўйича ташаббуслари юксак баҳоланди.

Давлат раҳбарлари экология соҳасидаги ҳамкорлик, шу жумладан, Оролбўйи минтақаси учун кўп шериклик асосидаги Траст фонди фаолиятини қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида тўхталдилар.

Бўлажак олий даражадаги тадбирлар режаси кўриб чиқилди. Президент Мун Чже Ин Президент Шавкат Мирзиёевга ўзи учун қулай бўлган вақтда Корея Республикасига ташриф билан келиш тўғрисидаги таклифини тасдиқлади.

Саммит якунида "Тўртинчи саноат инқилоби"га кўмаклашиш мақсадида рақамлаштириш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида меморандум, EDCF билан ҳамкорлик бўйича уч йилга мўлжалланган 1 миллиард долларлик дастурни амалга ошириш бўйича битим, замонавий кўп тармоқли клиника ва лойиҳавий институт — Кимёвий технологиялар марказини қуриш лойиҳалари бўйича заём битимлари имзоланди.

Бундан ташқари, етакчи компаниялар даражасида мамлакатимиз энергетика инфратузилмасининг муҳим объектларини модернизация қилиш тўғрисидаги битимлар имзоланди.

Давлат раҳбарлари ҳар доимгидек очиқ, самимий, конструктив ва дўстона муҳитда ўтган саммит якунларидан мамнун эканликларини қайд этдилар.

Томонлар онлайн-музокаралар ўз вақтида ўтказилгани ва натижадорлиги жиҳатидан юзма-юз учрашувлар амалиётидан қолишмаганини таъкидладилар.

Президентлар дўстлик ва кенг кўламли шериклик алоқаларини мустаҳкамлаш, биродар мамлакатларимиз ва халқларимиз фаровонлиги йўлида ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатларини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришда қатъий эканликларини яна бир бор тасдиқладилар.

**ЎзА**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

## ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ОБЪЕКТЛАРИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Интеллектуал мулк соҳасини ривожлантириш мамлакатимизнинг жаҳон интеграциясидаги асосий омил эканлигидан келиб чиқиб, интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш мақсадида:

1. **2021 йил 1 апрелдан** бошлаб:

интеллектуал мулк соҳасидаги халқаро шартномалар нормаларидан келиб чиқиб, товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисининг фақат тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ёки жисмоний шахс номига рўйхатдан ўтказилишига нисбатан қонунчиликдаги **мавжуд чекловлар бекор қилинсин;**

интеллектуал мулк объектларини давлат рўйхатига олиш муддатларини кескин қисқартириш имкониятларини яратувчи **тезкор экспертиза тартиби жорий этилсин.** Бунда, интеллектуал мулк объектини муҳофазага олиш учун топшириладиган талабнома бўйича дастлабки қидирув томонларнинг келишувига мувофиқ амалга оширилиши назарда тутилади.

2. Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) фаолиятида интеллектуал мулк объектларига талабномаларни давлат экспертизасидан ўтказиш жараёнида **аутсорсинг усулларини қўллаш тажрибаси** йўлга қўйилсин.

3. Қуйидагилар:

**Интеллектуал мулк муҳофазасини мустаҳкамлаш ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича "Йўл харитаси"** 1-иловага мувофиқ;

**Интеллектуал мулк (ихтиро, фойдали модель, саноат намунаси, селекция ютуқлари) соҳасини ривожлантириш бўйича 2021-2023 йилларга мўлжалланган амалий ишлар дастури** 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Вазирлик, идора ва бошқа ташкилотлар, маҳаллий ижроия ҳокимияти органларининг биринчи раҳбарлари зиммасига "Йўл харитаси" ва дастурда белгиланган тадбирларнинг ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ бажарилиши юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

**2025 йил 1 январга қадар** миллий **экспорт қилувчилар томонидан** чет элда товар келиб чиққан **жой номлари (географик кўрсаткичлар)ни рўйхатга олиш бўйича қилинадиган сарф-харажатлари** Агентликнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан **тўлиқ қопланади;**

**2021 йил 1 июнга қадар** давлат бошқаруви органлари ва давлат корхоналари, илмий-тадқиқот ва олий таълим ташкилотлари ўзларига тегишли бўлган **интеллектуал мулк (муаллифлик ҳуқуқи, турдош ҳуқуқлар ва саноат мулки) объектларини** тўлиқ хатловдан ўтказиб, уларни **бухгалтерия ҳисобида акс эттиради;**

экспорт улуши умумий товар айланмасининг **60 фоизидан ортиғини ташкил этадиган экспорт қилувчи,** шунингдек, қишлоқ хўжалиги ва ҳунармандчилик соҳасида фаолият юритувчи тадбиркорлик субъектлари учун товар белгиларини 2021-2022 йилларда **миллий рўйхатдан ўтказиш бепул** амалга оширилади;

Давоми 2-бетда

"ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН" УЧУН МАХСУС

## САММИТДА САВДО-ИҚТИСОДИЙ ВА ИНВЕСТИЦИОН АЛОҚАЛАРНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ БЎЙИЧА МУҲИМ ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Корея Республикаси Президенти Мун Чже Ин ўртасида бўлиб ўтган онлайн-саммит хорижий давлатлар ижтимоий-сиёсий, эксперт доиралари вакиллари диққат марказида бўлиб турибди.**



**Ким Чан Гон,
Жанубий Корея — Ўзбекистон бизнес ассоциацияси (KUBA) раисининг биринчи ўринбосари:**

— Онлайн-саммитда муҳокама қилинган масалалар алоҳида стратегик шериклик даражасига кўтарилган ўзаро муносабатларни кенгайтириш учун долзарблиги билан ажралиб турибди. Жанубий Корея Республикаси Президенти Мун Чже Ин ўзининг Янги йил мурожаатида Корея жорий йил Ўзбекистон билан Эркин савдо шартномасини имзолаш жараёнини жадаллаштиришини таъкидлади. Виртуал мулоқот чоғида эса Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Корея Республикаси билан Эркин савдо шартномаси бўйича музокаралар жараёнини бошлашга тайёрлигини тасдиқлади.

Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

# ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ОБЪЕКТЛАРИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш жараёнида товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисини ҳам давлат рўйхатидан ўтказиш тарғиб қилинади;

Савдо-саноат палатаси ва Агентлик томонидан йилига камида бир марта республиканинг ҳар бир маъмурий бирликларида тадбиркорлик фаолиятини ташкил этаётган шахслар учун ўз брендига эга бўлишнинг афзаллиги бўйича Ўзбекистон ва халқаро миқёсда тан олинган миллий брендлар эгалари бўлган ишбилармонларнинг иштирокида миллий анжуманлар ва мастер-класслар ўтказилади.

5. Агентлик ва Инновацион ривожланиш вазирлигининг **2021 йил 1 октябрга қадар** давлат бошқаруви органлари, давлат корхоналари, илмий-тадқиқот ва олий таълим ташкилотлари ўзига тегишли бўлган интеллектуал мулк объектлари ҳисобини тўғри юритиш, уларга бўлган ҳуқуқларни хўжалик муомаласига киритиш, илмий фаолият натижаларини тижоратлаштирилишига кўмаклашишга қаратилган Агентлик ҳузуридаги **“Патент платформаси”**ни ишга тушириш бўйича таклифига розилик берилсин.

Белгилансинки:

мазкур платформада ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари, селекция ютуқлари, товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари, товар келиб чиққан жой номлари муҳофаза ҳужжатларига оид маълумотлар батафсил акс эттирилади;

платформа электрон шаклда реал вақт режимида юритилади ҳамда унга тадбиркорлик субъектлари **ихтиёрий ва бепул асосда** киритилади.

6. Белгилансинки:

энг яхши интеллектуал мулк объектлари яратувчиларини Агентлик томонидан **Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг махсус мукофотларига тақдим этиш бўйича тавсиялар киритилади;**

“Энг яхши интеллектуал мулк объекти” **танлови Агентлик томонидан бир йилда бир марта ташкиллаштирилади;**

“Энг яхши интеллектуал мулк объекти” танлови ғолибларига (учта) Агентликнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг **30, 25, 20 баравари** миқдорида пул мукофотлари топширилади.

7. Адлия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Агентликнинг интеллектуал мулк соҳасига оид фанларни кадрлар тайёрлаш тизимига, жумладан, республика таълим ташкилотлари, қайта тайёрлаш ва малака ошириш марказларида босқичма-босқич жорий этиш тўғрисидаги таклифи қўллаб-қувватлансин.

Белгилансинки, интеллектуал мулк соҳасига оид фанларни кадрлар тайёрлаш тизимига жорий этишнинг биринчи босқичида, 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб олий таълим ташкилотларида, **хусусан, ишлаб чиқариш ва техник, қишлоқ ва сув хўжалиги соҳаларидаги таълим йўналишларида** илғор хорижий тажриба асосида ҳамда ёш авлод орасида ижодкорларнинг меҳнатига бўлган ҳурмат ҳиссини шакллантиришга қаратилган интеллектуал мулк фанлари жорий этилади ва улар бўйича ўтказиладиган машғулотларда соҳада фаолият олиб борувчи амалиётчилар иштирок этиши таъминланади.

8. Инновацион ривожланиш вазирлиги зиммасига илмий-тадқиқот ва олий таълим ташкилотларини интеллектуал мулк масаласида иқтисодиёт тармоқлари (енгил саноат, фармацевтика, қишлоқ хўжалиги ва бошқалар) билан боғлашни таъминлаш вазифаси юклатилсин.

9. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ва виночиликни ривожлантириш агентлиги, Савдо-саноат палатаси, “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси, “Ҳунарманд” уюшмаси ва “Навоийазот” АЖ 100 та “маҳаллий бренд”ларни халқаро рўйхатга олишни ташкил этсин.

10. Савдо-саноат палатаси ҳар бир ҳудудда йилига камида тўрт марта франшизалар ярмаркаси ва кўргазмаларини ташкил этсин.

11. Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги илмий-тадқиқот муассасалари ва олий таълим ташкилотларида интеллектуал мулк соҳасида амалга оширилган ишлар юзасидан йил якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига мунтазам равишда ҳисобот бериш тартиби йўлга қўйилсин.

12. Олий суд, Адлия вазирлиги ва Монополияга қарши курашиш қўмитаси икки ой муддатда халқаро экспертларни жалб қилиб, судьяларни интеллектуал мулк соҳасида ўқитиш дастурини ишлаб чиқиб, йил якунига қадар судьяларни ўқитиш тизимини йўлга қўйсин.

Бунда, халқаро ташкилотлари кўмаги остида интеллектуал мулк соҳасидаги низоларни кўриб чиқувчи судьялар учун чуқурлаштирилган ўқув дастури ташкил этилишига алоҳида урғу берилсин.

13. Интеллектуал мулк соҳасида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш ва амалга оширилаётган ишларнинг манзиллилигини таъминлашни кўзлаб, адлия органлари ва муассасалари бошқарув ходимларининг чекланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ҳудудий адлия бошқармаларининг **11 та** ва туман (шаҳар) адлия бўлимларининг **17 та** штат бирликларини оптималлаштириш ҳисобига Агентликнинг тузилмасида:

Интеллектуал мулк ҳуқуқларига риоя этилишини мониторинг қилиш бўлими негизида **Интеллектуал мулк ҳимояси бошқармаси** (кейинги ўринларда — Бошқарма);

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида юридик шахс мақомига эга бўлмаган Интеллектуал мулк ҳимояси марказлари (кейинги ўринларда — марказлар) ташкил этилсин.

Бунда, адлия органларининг ўтказилаётган **28 та** штат бирликларидан **3 таси** — Бошқармани, **25 таси** — марказларни тўлдириш учун йўналтирилади.

14. Белгилаб қўйилсинки:

Бошқарма марказлар фаолиятига ташкилий ва методик жиҳатдан раҳбарлик қилади;

марказлар Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари биноларида текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилади;

марказларга ишга қабул қилинадиган ходимлар, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш марказида интеллектуал мулк ва уни ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг назарий ва амалий масалаларига оид ўқув дастурлари бўйича таълим оладилар.

15. Марказларнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

контрафакт маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва уларнинг муомаласига, шунингдек, интеллектуал мулк ҳуқуқларининг бузилишига қарши тизимли ва самарали курашишда бевосита иштирок этиш, хусусан, **огоҳлантирув ва тақдимномалар киритиш, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомаларни тузиш;**

жойларда интеллектуал мулк объектларининг давлат рўйхатидан ўтказилиши билан боғлиқ фаолиятга кўмаклашиш;

интеллектуал мулк соҳасидаги ҳуқуқни қўллаш амалиётини изчил ва бир хилда таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

жамиятда интеллектуал мулкка нисбатан ҳуқуқий маданиятни ошириш ва ҳурмат ҳиссини шакллантириш мақсадида интеллектуал мулк ҳуқуқлари бўйича қабул қилинаётган қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини кенг оммага етказиш.

16. Агентлик икки ой муддатда марказларни юқори малакали кадрлар билан, биринчи навбатда, амалий тажрибага эга ҳамда зиммасига юклатилган вазифаларни лозим даражада бажаришга қодир шахслар орасидан **очиқ танлов асосида** Агентлик томонидан белгиланадиган тартибда тўлдирилишини ҳамда марказлар тўғрисидаги низомлар ишлаб чиқилишини таъминласин.

17. Мазкур қарор ижросини таъминлаш билан боғлиқ бюджет харажатлари 2021 йилда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида Адлия вазирлигига ажратиладиган маблағлар доирасида белгилансин, 2022 йилдан бошлаб эса Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида назарда тутилсин.

18. Агентликка ўзининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан:

марказлар моддий-техник базасини шакллантириш, шу жумладан, компьютер ва нусха кўчириш техникаси, алоқа воситалари, мебель сотиб олиш;

давлат экспертизасини амалга оширишга миллий, халқаро ва хорижий илмий-тадқиқот, олий таълим ва экспертлик ташкилотларини ҳамда юқори малакали **соҳа мутахассислари ва экспертларини шартнома асосида жалб этиш;**

Агентлик ҳузуридаги **“Патент платформаси”**ни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш бўйича сарф-харажатларни амалга ошириш **ҳуқуқи берилсин.**

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига 3-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

20. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

21. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил этишга масъул ҳамда шахсий жавобгар этиб адлия вазири Р.К.Давлетов белгилансин.

Қарор ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан Вазирлар Маҳкамасига ҳар ярим йил якуни бўйича ахборот киритиб борилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2021 йил 28 январь

---

**ИНТЕРВЬЮ**

# ДЎСТОНА МУЛОҚОТЛАРНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ



**Содиқ САФОЕВ,
Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари:**

— Мамлакатларимиз орасида тобора мустаҳкамланиб бораётган ҳамкорлик алоқалари асосида Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳамда Корея Республикаси Президенти жаноб Мун Чже Ин ўртасидаги шахсий, чуқур ишончга асосланган дўстона муносабатлар мужассамлигини таъкидлаш жоиз.

Президентимиз Жанубий Кореяга давлат ташрифи чоғида Корея Республикасининг Миллий Ассамблеяси вакиллари ва мамлакат парламентининг нуфузли аъзолари билан учрашди. Ўзаро мулоқот жуда очиқ, самимий кечгани ҳаммамизнинг ёдимизда. Мазкур учрашув чоғида парламентлараро икки томонлама алоқалар ҳамда уни янада ривожлантириш механизмларига оид муҳим фикр-мулоҳазалар илгари сурилди.

Айтиш керакки, ўтган давр мобайнида парламентлараро муносабатларимиз янада равнақ топди. Ўша учрашув халқ вакиллари ўртасидаги икки томонлама ҳамкорликка янги руҳ берди. Унинг самараси сифатида ўзаро муносабатларга доир ҳуқуқий базани ривожлантириш ва мавжуд келишувларни амалга ошириш билан бевосита шуғулланадиган парламентлараро дўстлик гуруҳи тузилди. Бугунги кунга келиб, икки давлат ўртасида 181 та ҳуқуқий ҳужжат амалда. Парламент томонидан уларни амалга ошириш ва назорат қилиш мониторингини юритиш ниҳоятда катта иш. Бундан ташқари, халқаро парламентлараро ташкилотлар ҳам муштарак сиёсатни олиб бориш масалалари бўйича шуғулланмоқда.

2019 йилнинг апрель ойида Корея Республикасининг Президенти жаноб Мун Чже Ин мамлакатимизга ташриф буюрганида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари олдида нутқ сўзлади. Бу ҳам ҳар икки томон парламентлараро ҳамкорликка нечоғлик юксак эътибор қаратаётганини кўрсатмоқда. Ўйлаймизки, бундан кейин ҳам давлатлараро ва халқаро ҳамкорликни янада ривожлантиришда парламентларимиз катта роль ўйнайди ва бу борада муҳим келишувларга эришилди.



**Абдулазиз КОМИЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири:**

— Саммитда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев бир неча муҳим таклифларни билдирди. Шуни айтиш керакки, Ўзбекистон охирги тўрт йилда жуда катта салоҳиятга эга бўлди. Мамлакатимизнинг янги тараққиёт йўлини ҳамма тан олиб, ҳамкорлик қилишга тайёрлигини билдиряпти. Бундай давлатлар орасида Корея Республикасининг ўзига хос ўрни бор. Мамлакатларимиз ўртасида нафақат сиёсий, балки ижтимоий-иқтисодий, инвестициявий, маданий-гуманитар, ҳатто ҳарбий-техникавий соҳаларда ҳам изчил ҳамкорлик олиб борилмоқда. Давлатларимиз халқаро майдонда бир-бирини қўллаб-қувватлаяпти. Жумладан, Ўзбекистон Корея Республикасининг 2024 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг доимий аъзолигига ўтишини қўллаб-қувватлайди.

Ҳамкорлигимиз нечоғлик кучайганига бир мисол келтирмоқчиман. Корея яримороли минтақасида тинчлик ўрнатишга ёрдам беришга тайёрмиз. Бу нимадан иборат? Корея Республикаси ҳозир минтақада ядро қуролидан холи ҳудуд яратишга ҳаракат қиляпти. Бу борада Ўзбекистон жуда катта тажрибага эга. Мамлакатимиз ташаббускор бўлиб, мана шундай ҳужжат устида ўн икки йил ишладик. Бу шартнома имзоланди ва минтақамизда ядро қуролидан холи ҳудуд яратилди. Биз бу борада тажрибамиз билан ўртоқлашишга тайёрлигимизни билдирдик. Корея Республикаси томони таклифимизни жуда яхши қабул қилди. Ўйлайманки, бунинг устида биз ҳамкорликда ишлаймиз.

---

**“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” УЧУН МАХСУС**

# САММИТДА САВДО-ИҚТИСОДИЙ ВА ИНВЕСТИЦИОН АЛОҚАЛАРНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ БЎЙИЧА МУҲИМ ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Бошланиши 1-бетда

Корея Республикасининг ишбилармон доиралари томонидан ушбу янгилик катта ҳаяжон билан қабул қилинди. Чунки иккки мамлакат ўртасидаги мазкур шартнома имзоланишининг жадаллаштирилиши нафақат савдо алоқалари, балки Жанубий Корея сармоялари ва илғор технологияларини Ўзбекистонга жалб қилиш учун янги имкониятлар очиши, шубҳасиз.

Олий ва юқори даражадаги мунтазам мулоқот самарасида 2021 йил Ўзбекистон — Корея Республикаси ўртасидаги кўп қиррали ҳамда ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада фаол ривожлантириш йилига айланишига ишонамиз.

Корея Республикасининг Савдо, саноат ва энергетика вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Адлия вазирлиги томонидан аккредитациядан ўтказилган Жанубий Корея — Ўзбекистон бизнес ассоциацияси 2020 йил апрель ойида ўз фаолиятини бошлади. Ассоциация ташкил этилиши икки давлат ўртасидаги савдо ва иқтисодий алоқаларнинг жадал ривожланишига ҳисса қўшади.

COVID-19 пандемияси келтириб чиқарган мураккаб вазиятга қарамасдан, бугун Ассоциация ўзбекистонлик шериклар билан қўшма инвестиция лойиҳаларини бажариб, савдо шартномаларини имзолашга кўмак бермоқда.

Ассоциация Ўзбекистон бозорига кириш имкониятини излаётган Жанубий Корея компаниялари учун зарур маслаҳатлар бериш, икки томонлама музокаралар ва бошқа тадбирларни ташкил этишда боғловчи кўприк вазифасини бажармоқда.

Шу билан бирга, Ассоциация ва унинг аъзолари ўзбек халқи учун инсонпарварлик ёрдами кўрсатишни давом эттиради. Жорий йил ҳам Ўзбекистонга махсус чартер рейслари орқали тиббиёт соҳасидаги кўнгиллилар ва бизнес вакилларининг ташрифларини ташкиллаштиришни режалаштирганмиз.

KUBA икки давлат ўртасидаги савдо-инвестициявий алоқаларни янада ривож топтиришда бор имкониятларини сафарбар этади.



**Виталий ФЕН,
Ўзбекистоннинг Жанубий Кореядаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:**

— Сўнгги тўрт йил давомида Ўзбекистон — Жанубий Корея алоқалари икки давлат раҳбарлари ўртасидаги доимий ва сермаҳсул мулоқот натижасида сифат жиҳатидан янги босқичга чиқди. Эътиборлиси, 2019 йил апрель ойида мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар мутлақо янги — алоҳида стратегик шериклик даражасига кўтарилди.

Пандемия шароитига қарамасдан 2020 йилда ҳам олий ва юқори даражадаги мулоқотлар изчил давом эттирилди. Ўзбекистон ва Жанубий Корея раҳбарлари икки марта телефон орқали мулоқот қилдилар.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўтган йил октябрь ойида видеоконференция шаклида бўлиб ўтган Иккинчи Шимолий иқтисодий ҳамкорлик халқаро форумида онлайн тарзда иштирок этди ва нутқ сўзлади. Бу Корея Республикаси раҳбарияти, ҳукумати ва тадбир иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

Олий даражада эришилган келишувларни амалга ошириш доирасида 2020 йил июль ойида Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари — инвестициялар ва ташқи савдо вазири Сардор Умурзоқов бошчилигидаги делегация Сеул шаҳрида бўлиб, Корея Республикаси ҳукумати аъзолари ва етакчи компаниялари раҳбарлари билан музокаралар ўтказди.

Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов бошчилигидаги делегация 2020 йил ноябрь ойида “Корея Республикаси — Марказий Осиё” 13-ҳамкорлик форумида қатнашиш учун Сеул шаҳрига ташриф буюрди ва қатор самарали учрашувлар ўтказди.

Шунингдек, икки давлат ташқи ишлар вазирликлари ўртасида видеоконференция шаклида сиёсий маслаҳатлашувлар бўлиб ўтди.

Коронавирус пандемияси бошлангандан кейин Корея Республикаси қабул қилган биринчи хорижий расмий делегация бу Ўзбекистон делегацияси бўлганини ҳам қайд этишни истардим.

Бугунги кунда Ўзбекистонда Жанубий кореялик инвесторлар иштирокида 875 та корхона фаолият кўрсатмоқда. Таъкидлаш жоизки, 2017 йилдан буён мазкур давлат тадбиркорлари билан ҳамкорликда 486 та янги корхона ташкил этилди, бу барча корхоналар умумий сонининг 56 фоизи демакдир.

Бундай кўрсаткичлар Президент Шавкат Мирзиёев бошчилигида Ўзбекистонда олиб борилаётган либерализациялаштириш жараёни ва хорижий инвесторларга яратилаётган шароитлар натижасидир.

Янги 2021 йилни ҳам самарали бошладик. Икки мамлакат раҳбарлари ўртасида ўтказилган онлайн-саммитда алоҳида стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш бўйича долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Саммит доирасида икки давлат ўртасидаги савдо-иқтисодий ва инвестицион алоқаларни янада кучайтириш бўйича муҳим қарор қабул қилинди. Ҳукуматлараро Эркин савдо битимини имзолаш бўйича музокараларни бошлаш бўйича келишиб олинди.

Бундан ташқари, инвестициялар, инновациялар, рақамли технологиялар, саноат ва энергетика, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш, таълим ва маданият соҳаларида қатор лойиҳа ҳамда дастурларни амалга ошириш бўйича ҳам аниқ келишувларга эришилди.

Таъкидлаш керакки, бугунги онлайн-саммит икки мамлакат тарихида биринчи маротаба ўтказилди ва ниҳоятда самарали бўлди. Бу мамлакатларимиз раҳбарларининг ўзаро яқин ва дўстона муносабатлари, энг муҳими, барча келишувларни амалга ошириш йўлидаги қатъий сиёсий иродаси самарасидир.

**“Дунё” АА**
Сеул

## БУГУННИНГ ГАПИ

**Маҳалла халқ билан давлат ўртасидаги кўприк бўлиши керак, одамларнинг қувончу ташвишидан доимо хабардор бўлиш маҳалланинг асосий вазифасидир. Маҳалла аҳолиси бир оила каби ишончли, мустаҳкам риштарлар билан ўзаро узвий боғланиши керак.**

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

# МАҲАЛЛА — МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ БЕШИГИ, АДОЛАТ ҚЎРҒОНИ



**Фируза МУҲИТДИНОВА,**
**Тошкент давлат юридик университети профессори, юридик фанлар доктори**

Мамлакатимизда барча соҳаларда янгиланаётган давр бошланди. Учинчи Ренессансга пойдевор яратиш жараёни кечаётган бугунги кунда маҳалла тизимининг ўрни ва роли ниҳоятда муҳим. Маҳалла мазмун ва моҳиятига кўра, халқимизнинг миллий қадриятлари, урф-одатлари улуғланадиган, ўзига хос бетакрор тарбия ва маънавият бешигидир.

Оила жамиятнинг асосий бўғини бўлса, маҳалла қадимдан инсонпарварлик, бағрикенглик ҳамда тарбия ўчоғи, одамларни ҳамжиҳатлик, уюшқоқлик асосида аҳилликда турмуш кечиришларини таъминлаб келган маънавият бешиги ҳисобланади. Айниқса, ўзбек халқининг яхши ва ёмон куни, дард ва ташвиши, муаммолари ю кечинмалари ана шу муқаддас қўрғонда кечади. Шу жиҳатдан олганда, маҳалла — оилалар жипслилигини таъминлаш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, аҳолининг кундалик муаммоларини ҳал этадиган муқаддас даргоҳ.

Таъкидлаш жоизки, янгиланаётган мамлакатимизда фуқароларимизнинг тинчлик ва хотиржамликда муносиб ҳаёт кечиришини таъминлашда жамиятнинг энг муҳим бўғини ҳисобланган маҳалла институтининг ўрни ва аҳамияти ортиб бормоқда.

Қувонарли томони, маҳалла ва фуқаролар билан ишлаш тизимининг ҳам конституциявий, ҳам қонуний асоси мавжуд, яъни маҳалла ўзининг қадимдан бажариб келган зиммасидаги вазифаларни самарали бажариши учун ҳуқуқий асослар билан бирга, етарли шарт-шароитларга ҳам эга.

Янги Ренессанс маҳалладан бошланади, десак, муболаға бўлмайди. Бугун маҳалла ислоҳот масканига айланиб, ваколатлари кенгаймоқда. Ўзбекистонда янги институт, яъни "Маҳалла раиси — ислоҳотчи" тамойили асосида ижтимоий муаммоларни ҳал этишнинг янги тизими жорий этилмоқда.

Қайд этиш жоизки, бугун маҳалланинг жамият бошқарувидаги ўрни ва фаолияти барча соҳаларда сезилмоқда. Мурожаатлар билан ишлаш, аҳоли муаммоларини аниқлаш ва ҳал этиш бўйича "маҳалла — сектор — Халқ қабулхонаси — маҳалла" тамойили асосида ҳамкорлик тизими йўлга қўйилган. Маҳаллада ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини сақлашда кекса авлод вакилларининг бой ҳаётий тажрибасидан унумли фойдаланиш мақсадида "Кексалар маслаҳати" гуруҳларининг фаолияти ўз самарасини бермоқда.

Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида қайд этилганидек, ҳозирги кунда республикамизда алоҳида эътиборга муҳтож 18 ёшгача бўлган 150 минг нафар фарзандларимиз бор. Уларнинг таълим олиши, аниқ бир касбни эгаллаши учун кўмаклашиш, оғир касалликка чалинганларни даволаш, чин етимларга ҳаётда ўз ўрнини топишга ёрдам бериш, уй-жой билан таъминлаш — нафақат вазифамиз, аввало, инсоний бурчимиздир. Бу борада илк бор 2021 йилда биринчи марта бюджетдан 900 нафар чин етим ёшларни уй-жой билан таъминлашга 50 миллиард сўм ажратилмоқда. Бундай эзгу ишларни тизимли йўлга қўйиш учун Болаларни қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ташкил этилиб, унга бюджетдан 100 миллиард сўм йўналтирилади.

Ҳар бир маҳаллада, энг аввало, 5 ёшгача болалар, шунингдек, туғиш ёшидаги ва ҳомиладор аёллар, ногиронлиги бўлганлар, қон-томир, онкологик, эндокрин каби касалликларга мойиллиги бўлган фуқаролар билан ишлашнинг алоҳида тизими жорий этилмоқда. Давлат томонидан бепул тиббий хизматлар ва дори воситалари рўйхати қайта шакллантирилиб, улар билан аҳолини кафолатли таъминлаш тизими босқичма-босқич йўлга қўйилади. "Қишлоқ шифокори" дастури доирасида олис ҳудудларда иш бошлайдиган мингдан ортиқ врачга 30 миллион сўмдан ёрдам пули берилади ҳамда улар хизмат уйлари билан таъминланади.

Бундан буён маҳалладаги ишларнинг аҳволи вазирлик, идоралар ва ҳокимликлар ишини баҳолашда бош мезон бўлади. Маҳалланинг нуфузини, унинг ресурс ва имкониятларини ошириш, ходимларининг моддий таъминотини яхшилаш бўйича дастур ишлаб чиқилади.

Жорий йилда туманлар бюджетига қўшимча манбаларнинг камида 10 фоизини бевосита маҳалладаги муаммоларни ҳал этишга сарфлаш бўйича ишлар бошланади. Бу мақсадларга 70 миллиард сўм ажратилади. Энди бу ваколатни янада кенгайтириб, туман бюджети харажатларининг 5 фоизини ҳам ана шундай мақсадларга йўналтириш бўйича янги тартиб жорий этилади.

Маҳалла раиси ва унинг ўринбосарлари ваколатлари кенгайтирилиб, уларга аҳоли муаммоларини бевосита ҳал қилиш имконияти яратилмоқда. Бунда маҳалла раисига маҳаллий Кенгаш мажлисида кўрилиши мажбурий бўлган масалаларни киритиш ҳуқуқи берилади. Бу орқали муаммоларни тезкор ҳал қилишга эришилади.



Бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтириш, маънавий-маърифий тадбирлар самарадорлигини ошириш учун маҳаллаларда ҳадисларда илгари сурилган одоб, ахлоқ, ота-онага яхшилик қилиш, тинчликсеварлик, ватанпарварлик, инсоф, виждон каби кўплаб тушунчаларни изоҳлаш бўйича танлов ўтказиш, Имом Бухорий ва Имом ат-Термизий илмий мероси ва ҳадис мактаби, Бурҳониддин Марғиноний, Беруний ва Ибн Сино ва бошқа алломалар меросини чуқур ўргатиш, буюк аждодлар мақбаралари ҳамда тарихий қадамжоларга зиёратлар уюштирилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Хусусан, ёшлар тарбияси, оила, маҳалла, таълим муассасасининг ҳамкорлиги маънавий кўприк бўлади. Маҳаллаларда йигит ва қизларга оилавий ҳаёт ҳақидаги, шунингдек, маънавият, соғлом турмуш тарзи борасидаги билим ва тушунчаларни болалигидан сингдириб бориш, ҳафтанинг бир куни "Эзгулик куни" деб эълон қилинса, ҳамма ўзи яшаб турган ҳудуд тозалигига эътибор қаратса, келгусида ёшларимизни меҳнатсеварлик ва инсонпарварлик руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Ахир, қадимдан оналаримиз, бувижонларимиз орасталик, одоб-ахлоқ, миллий қадриятларимиз, оиладаги бурч ва вазифаларни ҳаётий сабоқ остида меҳр ва оқибат, сабр ва садоқат ила амалга оширган. Ана шундай ибратли ва мазмунли ҳаёт йўллари билан эл-юрт орасида ҳурмат-эътибор топган нуроний отахон-онахонлар маҳаллалар кўрки, хонадонлар файзи ҳисобланади. Маҳаллалардаги маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишда уларнинг роли ниҳоятда катта. Айниқса, жиноятчилик, эрта ва қариндошлар ўртасидаги никоҳ, ёшларнинг ёт ғоялар таъсирига берилиб қолмаслигини олдини олиш борасида уларнинг бой ҳаётий тажрибаси ҳар жиҳатдан фойдалидир.

## МУНОСАБАТ

# ТИББИЁТНИ ИСЛОҲ ЭТИШДА ПАРЛАМЕНТНИНГ МАСЪУЛИЯТИ КАТТА



**Улуғбек ИНОЯТОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари**



Ҳаким ЙЎЛДОШЕВ олган суратлар.

**Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилгани, йилни номлашда шу йўналишга устуворлик берилгани бежиз эмас, албатта. Мақсад тиббиёт соҳасини халқимизга тезкор ҳамда сифатли хизмат кўрсатадиган тузилмага айлантиришдир. Зеро, коронавирус пандемияси нафақат бутун инсониятни, давлатларнинг соғлиқни сақлаш тизимини ҳам жиддий синовдан ўтказди, тиббиёт соҳасини тубдан такомиллаштириш вазифасини кун тартибига чиқарди. Пандемия билан боғлиқ кутилмаган хавф-хатарлар аҳоли саломатлигига, инсонлар ҳаётига жиддий таҳдидларни юзага келтирган вақтда соғлиқни сақлаш тизими уларни ҳимоя қила оладими, деган савол пайдо бўлди.**

Шундай синовли вазиятда давлатимиз раҳбари томонидан аҳолига тезкор, сифатли ва кафолатли тиббий хизмат кўрсатилишини ташкил этишга бирламчи вазифа сифатида эътибор берилгани, вирусга чалинган беморларга тўлиқ давлат ҳисобидан ёрдам берилиши натижасида халқимиз пандемиянинг жиддий оқибатларидан ҳимояланди. Қисқа вақт ичида республикамиз бўйича қарийб 30 минг ўринли махсус даволаш масканлари ташкил қилинди. Улар зарур дори-дармон, ҳимоя ва энг замонавий диагностика воситалари билан таъминланди. Хавф-хатарларни енгиб ўтиш ўз-ўзидан бўлгани йўқ, пандемиянинг дастлабки кунларидан бутун бошқарув тизими, барча тиббиёт муассасалари фавқулодда иш режимига ўтказилгани ҳал қилувчи аҳамият касб этди.

Шу билан бирга, глобал пандемия жараёнида соғлиқни сақлаш тизимидаги асосий муаммолар яққол кўзга ташланди. Уларни зудлик билан бартараф этиш, тизимни илғор тажрибалар асосида ҳамда халқ манфаатларидан келиб чиқиб, ислоҳ этиш кечиктириб бўлмайдиган вазифага айланди. Бу ҳақда халқаро ташкилотлар, етакчи экспертлар ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдирмоқда.

### Пандемияга қарши кураш давом этади

Мамлакатимизда коронавирус билан боғлиқ эпидемиологик вазият бирмунча барқарор бўлса-да, лекин хотиржамликка берилишга, сафарбарликни сусайтиришга ҳали эрта. Шунинг учун давлатимиз раҳбари пандемияга қарши курашни тизимли равишда давом эттириш энг муҳим вазифаларимиздан бири эканини белгилаб берди. Бу борадаги чора-тадбирлар учун давлат бюджетидан 3 триллион сўм захира шакллантирилгани, бу маблағлар ҳисобидан аҳолини коронавирусга қарши эмлаш тадбирлари ҳам амалга оширилиши қайд этилди. Пандемия даврида санитария-эпидемиология хизмати сифатини ошириш, замонавий лабораториялар ташкил этиш муҳим масала экани яққол сезилди. Бу хизматлар аҳоли орасида вирус тарқалишини чеклашда катта аҳамиятга эга бўлади. Шунинг учун ҳам мазкур йўналишларга 200 миллион доллар йўналтирилади.

Дунёда деярли барча соҳалар илғор технологиялар, масофавий хизмат кўрсатиш методлари асосида жадал ривожланмоқда. Тиббиёт соҳаси ҳам бундан мустасно эмас. Шу жиҳатдан қараганда, мамлакатимиздаги соғлиқни сақлаш муассасалари масофавий хизматлар ҳамда электрон иш юритиш масалаларида етакчи тенденциялардан сезиларли даражада ортда қолаётгани намоён бўлаётир. Бу эса аҳолининг тиббий хизматлардан тезкор фойдаланиш имкониятини чекламоқда.

Маълумки, туман ва қишлоқларда истиқомат қиладиган халқимизнинг аксарият вакиллари ихтисослашган тиббиёт марказлари, уларнинг филиалларида кўрсатиладиган хизматлардан фойдаланишда ҳам муаммоларга дуч келмоқда. Чунки ихтисослашган марказлар асосан, пойтахтимизда, уларнинг филиаллари эса вилоят марказларида, туман ва қишлоқлар аҳолисига узоқ ҳудудларда жойлашган. Мурожаатномада ушбу йўналишдаги камчиликларни бартараф этиш, хусусан, ихтисослашган марказлар ташкил этишда биринчи навбатда, аҳолига қулайлик нуқтаи назаридан ёндашиш, телемедицинани йўлга қўйиш вазифа сифатида белгиланди.

### Она ва бола соғлиғи — эзгу мақсад

2020 йил 6 ноябрда Президентимиз раислигида соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинини такомиллаштириш ҳамда аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш чора-тадбирлари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида соҳадаги муаммоли ҳолатлар чуқур танқидий таҳлилдан ўтказилган эди. Масалан, мамлакатимиздаги 40 фоиз аёлларда фолий кислотаси ва темир моддаси етишмаслиги кузатилаётгани, 5 ёшгача бўлган болаларнинг 55 фоизида темир моддаси камлиги сабабли кейинчалик камқонлик келиб чиқаётгани, боғча ва мактаб ёшидаги болаларнинг 70 фоизида ичак паразитар касалликлар мавжудлиги қайд этилган эди. Бу рақамларни таҳлил этиб, хулоса чиқариш учун мутахассис бўлиш шарт эмас, албатта. Бу рақамлар ҳар бир ота-она, ёш авлод келажагига бефарқ бўлмаган юртдошларимизни безовта қилади. Модомики, бола организмида витаминлар етишмас экан, бу унинг нафақат жисмоний ҳолати, балки руҳияти ва инсоний потенциалига ҳам салбий таъсир кўрсатмасдан қолмайди.

Шу боис, жорий йилдан кечиктирмасдан 15 ёшгача бўлган болалар ва ҳомиладор аёлларга 7 турдаги витаминлар, болалар учун паразитар касалликларга қарши дори воситалари бепул тарқатилади. Бу жараён билан 2021 йилда — 11 миллион нафар, 2022 йилда — 17 миллион нафар аҳоли қамраб олиниши кўзда тутилган. Мана шу чоралар самарасида аҳоли ўртасидаги камқонликни 25 фоизга камайтириш мақсад қилиняпти.

> **Жорий йилдан кечиктирмасдан 15 ёшгача бўлган болалар ва ҳомиладор аёлларга 7 турдаги витаминлар, болалар учун паразитар касалликларга қарши дори воситалари бепул тарқатилади. Бу жараён билан 2021 йилда – 11 миллион нафар, 2022 йилда – 17 миллион нафар аҳоли қамраб олиниши кўзда тутилган. Мана шу чоралар самарасида аҳоли ўртасидаги камқонликни 25 фоизга камайтириш мақсад қилиняпти.**

### Бирламчи бўғиндаги кўп йиллик муаммолар ечилади

Халқимизнинг соғлиқни сақлаш тизимидаги ислоҳотлардан розилиги биринчи навбатда, тиббиётнинг қуйи бўғинига боғлиқ. Сабаби, фуқаролар соғлиғида муаммо сеза бошласа, энг аввало, ўз маҳалласи ёки ҳудудидаги тиббиёт муассасасига мурожаат этади. Агар у ерда фуқарога малакали ёрдам кўрсатилса, оғир касалликлар ва кўплаб оворагарчиликларнинг олди олиниши мумкин.

Шунинг учун давлатимиз раҳбари соғлиқни сақлаш тизимида қуйи бўғиннинг аҳамиятини ошириш масаласига жиддий эътибор бермоқда. 2020 йил 12 ноябрда бу бўйича алоҳида фармон ва қарор қабул қилиниши, вазифалар аниқ белгилаб берилишида чуқур маъно бор. Жумладан, "Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонда аҳоли саломатлиги бўйича маҳаллалар ва хонадонлар даражасигача қамраб оладиган яхлит тизимни яратиш, тиббиёт ходимларининг жамиятдаги ўрни ва мақомини кучайтириш, соҳага менежментни жорий этиш, бошқарув жараёнидаги ортиқча бюрократик тартиб-тамойилларни қисқартириш юзасидан таъсирчан чоралар белгиланди.



Нега бу вазифалар муҳим? Боиси, айнан ушбу бўғинда олди олиниши мумкин бўлган касалликлар хизмат сифати пастлиги учун иккинчи ва учинчи босқичга ўтиб бўлгандан кейингина аниқланади. Бу эса аҳолини тўғридан-тўғри марказий шифохоналарга боришга мажбур қилмоқда.

Сабаби, қуйи бўғинда шароит ва талаб, иш ҳажми бир-бирига мутаносиб эмас. Мисол учун, умумий амалиёт шифокори 146 турдаги касалликка диагноз қўйиш ва даволаш, 213 турдагисига бирламчи диагноз қўйиш ва йўлланма бериш, бундан ташқари, иш кунининг 60 фоизини ҳисобот тўлдиришга сарфлашга мажбур бўлган. Эндиликда бу тартиб тўлиқ қайта кўриб чиқилиб, тубдан такомиллаштирилади.

Алоҳида эътибор қаратиш керакки, Президентимиз соҳадаги шу каби муаммоларни, уларнинг сабабларини чуқур танқидий таҳлил қилгандан кейингина камчиликларни бартараф этиш бўйича чоралар белгиламоқда. Бирламчи бўғинда умумий амалиёт шифокори ўрнига оилавий шифокор ва унга ёрдамчи сифатида 5 нафар ўрта тиббиёт ходимидан иборат "тиббий бригадалар" ташкил қилинади. Ҳар бир маҳаллада қон-томир, онкологик, эндокрин каби касалликларга мойиллиги бўлган фуқаролар билан ишлашнинг алоҳида тизими жорий этилади.

Аҳоли эҳтиёжидан келиб чиқиб, шу йилнинг ўзида 100 та қишлоқ врачлик пункти, 24 та оилавий поликлиника ташкил этилади. "Қишлоқ шифокори" дастури жорий қилиниши, шифокорларга бўлган эҳтиёжлар маҳаллалар кесимида аниқланиб, тиббиёт олий ўқув юртларида квоталар оширилиши, бирламчи бўғин шифокорлари учун уй-жой берилиши ҳам қуйи бўғинга бўлган эътиборнинг амалий ифодасидир.

### Ҳар йили камида 30 минг нафар инсоннинг ҳаёти сақлаб қолинади

Мурожаатномада ҳозирги кунда 12 мингдан зиёд ҳамюртимиз оқ қон ва оғир ирсий гематологик касалликдан азият чекаётгани, уларга ёрдам бериш учун бюджетдан 250 миллиард сўм ажратилиши маълум қилинди. Ўткир буйрак етишмовчилиги бўлган 5 минг нафардан ортиқ бемор эса илк бор бепул гемодиализ хизмати билан қамраб олиниши қайд этилди. Аҳоли орасида кўп учрайдиган ўткир қон-томир касалликлари бўйича 35 та туманлараро марказ ташкил этилиши кўпчиликнинг мушкулини осон қиладиган янгича ташаббус бўлади. Таҳлилларга кўра, мана шу йўналишдаги ишлар тўлиқ амалга оширилса, ҳар йили камида 30 минг нафар инсоннинг ҳаётини сақлаб қолишга эришилади.

### Соҳани ислоҳ этишга парламент ҳам масъул

Президентимиз ўзининг янгича ташаббуслари билан бутун ҳукумат тизимини халқимизга хизмат қилиш нуқтаи назаридан ислоҳ этмоқда. Шу билан бирга, бой тажрибага таянган таклиф-тавсиялари билан миллий парламентимиз фаолиятини янада демократлаштиришга ёрдам бермоқда.

Мурожаатномадаги ташаббусларни қўллаб-қувватлаган ҳолда, парламент қуйи палатаси ўз олдига мамлакатимиз аҳолисига бирламчи тиббий санитария ёрдами сифати ва самарадорлигини ошириш, ислоҳотлар натижадорлигига эришиш бўйича парламент назоратини кучайтиришга қаратилган чора-тадбирларни белгилаб олди. Хусусан, бу борада парламент комиссияси тузилиб, унинг самарали ишлаши учун масъуллар белгиланди. Парламент назоратининг бу тартибда йўлга қўйилиши эзгу мақсад йўлида белгиланган вазифаларнинг тўлиқ бажарилишига амалий кўмак бўлади.

Зеро, тиббиёт соҳасидаги ислоҳот ва ўзгаришлар маҳаллаларга, одамларнинг кундалик турмушига етиб бориши, ҳаёт тарзини ўзгартириши, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиши учун ҳар биримиз масъулмиз.

МУҲИМ ЯНГИЛИК

# ИНВЕСТОРНИ ҲИМОЯ ҚИЛАДИГАН ҲУҚУҚИЙ АСОС ТАКОМИЛЛАШМОҚДА





**Бахтиёр ИСАКОВ,**
**Олий суд раисининг ўринбосари**

**Бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган туб ислоҳотларнинг асл моҳияти инвестиция муҳитини яхшилаш, иқтисодиётни ривожлантириш орқали халқ фаровонлигига эришишдан иборат. Чет элдан инвесторни жалб этишда, биринчи навбатда, қулай ишбилармонлик муҳити, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун қонуний кафолат керак.**

Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси мазкур соҳадаги ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга хизмат қиладиган тарихий аҳамиятга эга ҳуқуқий ҳужжат бўлди. Унда таъкидланган муҳим янгиликлардан бири шуки, инвесторлар ҳуқуқларини муносиб ҳимоя қилиш мақсадида Олий судда инвестициявий низолар ва рақобатга оид ишларни кўриш бўйича махсус судлов таркиби ташкил этилди.

Энди йирик инвесторлар, ўз хоҳишига кўра, низони ҳал қилиш учун тўғридан-тўғри Олий судга мурожаат қилиши мумкин. Яъни инвестициявий низолар бўйича, жумладан, йирик инвесторнинг рақобатга оид ишлари бўйича тарафларнинг истагига кўра, ушбу тоифадаги ишлар бевосита Олий суд томонидан, қолган барча инвестициявий низолар инвесторнинг хоҳишига кўра, Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари томонидан биринчи инстанция суди сифатида кўрилади.

Статистик маълумотларга назар соладиган бўлсак, ўтган йили иқтисодий судларда 3 мингдан ортиқ чет эллик инвестор ва чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар билан боғлиқ низолар кўриб чиқилган.

2020 йил бўйича республикамиз Жаҳон банкининг "Бизнесни юритиш" (Doing Business) рейтингида дунёнинг 190 та давлати орасида 7 поғона кўтарилиб, 69-ўринни эгаллади. "Шартномалар ижросини таъминлаш" индикатори бўйича ўтган йилги 41-ўриндан 22-ўринга кўтарилиб, ишбилармонлик муҳитини яхшилашда энг яхши ислоҳотчи давлатлар қаторидан ўрин олди.

2019 йил 25 декабрда қабул қилинган "Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида"ги қонун бу борадаги ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлди, десак адашмаймиз. Ушбу қонуннинг 61-моддасида давлат органларининг инвестиция фаолияти субъектларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини бузадиган ёки чеклайдиган қарорлари, улар мансабдор шахсларининг шундай ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан юқори турувчи органга ёки судга шикоят қилиниши мумкинлиги белгиланган.

Қонуннинг 63-моддасига кўра, чет эл инвестициялари билан боғлиқ бўлган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эллик инвесторнинг инвестиция фаолиятини амалга ошириши чоғида юзага келадиган низо (инвестициявий низо) музокаралар ўтказиш, ундан сўнг агар келишувга эришилмаса, медиация йўли билан ҳал этилиши кўрсатилган. Музокаралар ўтказиш ва медиация йўли билан тартибга солинмаган инвестициявий низо Ўзбекистон Республикасининг тегишли суди томонидан ҳал қилинади.

Шу пайтга қадар мамлакатимизда инвестициявий муҳитнинг янада яхшиланишига ва



инвестициявий низоларнинг самарали ҳал этилишига салбий таъсир кўрсатаётган омиллар мавжуд эди. Жумладан, инвестицияга оид низоларни суд томонидан ҳал этиш бўйича амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари етарли даражада ривожланмаганди. Яъни инвестиция фаолиятига алоқадор иқтисодий, фуқаролик, маъмурий ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар туман даражасидаги турли хил судлар томонидан кўриб чиқиларди. Иқтисодий соҳада юзага келадиган низолар иқтисодий судлар, фуқаролик ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар фуқаролик ишлари бўйича судлар ва давлат органлари билан оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар эса маъмурий судлар томонидан кўриб чиқилиши белгиланганди.

Бу эса, ўз навбатида, инвесторлар фаолиятига оид низолар бўйича қарорлар қабул қилишда турли хил суд амалиёти шаклланишига сабаб бўлмоқда. Шу муносабат билан инвестицияга оид низоларни ҳал қилиш бўйича суд тизимини такомиллаштириш ҳамда инвесторлар ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида Президентимизнинг 2020 йил 24 июлдаги "Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони қабул қилинди.

Фармон билан Олий суд тузилмасида инвестициявий низоларни ҳамда рақобатга оид ишларни кўриш бўйича судлов таркиби тузилиши белгиланди. Судлов таркибига инвестиция киритилган санада 20 миллион АҚШ доллари эквивалентидан кам бўлмаган миқдорда инвестицияни амалга оширган жисмоний ёки юридик шахслар (йирик инвесторлар) ва давлат органлари ўртасида юзага келадиган инвестициявий низолар ҳамда рақобатга оид ишларни кўриш ваколати берилди.

Айни пайтда инвестициявий низоларни судларда ҳал қилишнинг янги тартиблари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексга ҳамда Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Жумладан, Иқтисодий процессуал кодексга янги $30^1$-модда киритилиб, унда инвестициявий низолар бўйича ишлар жумласига инвестиция шартномаларини тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш, ҳақиқий эмас деб топиш, бажарилиши бўйича, шунингдек, инвестиция шартномасидан келиб чиқадиган солиқ, божхона, ижтимоий, экологик ва бошқа мажбуриятларнинг инвестор томонидан бажарилиши билан боғлиқ низолар кириши кўзда тутилмоқда. Бундан ташқари, инвестиция шартномаси бўйича инвесторга берилган мол-мулкни талаб қилиб олиш ёки бундай шартнома бўйича неустойка ундириш ва (ёки) зарарлар ўрнини қоплаш тўғрисидаги низолар кириши белгилаб қўйилмоқда.

Шунингдек, ушбу кодексга юридик шахслар, жумладан, чет эл юридик шахслари, хўжалик бошқаруви органлари, якка тартибдаги тадбиркорлар ҳамда монополияга қарши органлар ўртасида товар ва молия бозорларида рақобат соҳасидаги муносабатлардан келиб чиқадиган низолар рақобатга оид ишлар жумласига кириши ҳақидаги $30^2$-модда киритилмоқда.

Худди шундай ўзгартиришлар Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексда ҳам ўз ифодасини топмоқда. Унга кўра, инвесторлар билан маъмурий органлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги, хусусан, улар мансабдор шахсларининг инвестиция шартномаси шартларига риоя қилиниши билан боғлиқ қарорларига, ҳаракатларига (ҳаракатсизлигига) доир ишларни кўриши белгиланди. Шунингдек, чет эллик юридик шахслар, хўжалик бошқаруви органлари, якка тартибдаги тадбиркорлар ва монополияга қарши орган ўртасида товар ҳамда молия бозорларида рақобат соҳасидаги муносабатлардан келиб чиқадиган низолар маъмурий судлар томонидан кўриб чиқилади.

Бунда инвестициявий низолар бўйича ишлар йирик инвесторнинг, рақобат тўғрисидаги ишлар эса тарафларнинг хоҳишига кўра, бевосита Олий суд томонидан, қолган инвестициявий низолар инвесторнинг хоҳишига кўра, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий суди томонидан биринчи инстанция суди сифатида кўрилиши мумкин.

Яъни шундай имконият яратиляптики, унга кўра, инвесторлар, рақобат тўғрисидаги ишлар бўйича тарафлар низони ҳал қилиш учун қайси судга мурожаат қилишни ўзлари танлайди.

Олий судда инвестициявий низолар бўйича махсус судлов таркибининг ташкил этилиши, ушбу тоифадаги ишлар бўйича алоҳида судловлилик қоидаларининг белгиланиши инвесторлар низоларни ҳал қилиш учун турли суд инстанциялари ўртасида беш-олти ойлаб сарсон бўлишининг олдини олади ва уларнинг муаммолари битта судда ҳал қилинишини таъминлайди. Мамлакатнинг халқаро рейтинглардаги, жумладан, "Бизнесни юритиш" (Doing Business) рейтингида ўрнини ошишига хизмат қилади. Шу билан инвесторларнинг одил судловга ишончини кучайтириш орқали республиканинг инвестициявий жозибадорлиги ортади.

ХАЛҚАРО АНЖУМАН



# "Ўзбекистонда болалар меҳнати мутлақо йўқ, ўтган йилда тизимли мажбурий меҳнатга ҳам умуман йўл қўйилмаган"

**Ирода ТОШМАТОВА,**
**"Янги Ўзбекистон" мухбири**

**2020 йилда коронавирус пандемияси кўплаб давлатлар қатори Ўзбекистонда ҳам барча соҳаларга ўзининг салбий таъсирини кўрсатди. Бу, айниқса, аҳолининг бандлик даражасидаги кескин ўзгаришларда яққол кўзга ташланди.**

Коронавирус туфайли минглаб инсонлар мавжуд иш ўринларини йўқотди. Биргина мисол, пандемия ривожланишигача бўлган даврда, яъни ўтган йилнинг биринчи чорагида мамлакатимизда ишсизлик даражаси 9,4 фоизга ўсган бўлса, бу кўрсаткич июнь ойига келиб, 13,2 фоизни ташкил этди.

Шу боис, вужудга келган мураккаб вазиятнинг илк давридаёқ унга қарши комплекс чоралар кўрилди. Пандемия шароитида аҳоли бандлигини таъминлаш, барқарор ва муносиб иш ўринларини яратишга қаратилган миллий бандлик дастурлари доирасида аниқ вазифалар белгиланиб, уларни амалга оширишга доир чора-тадбирлар кўлами кенгайди. Айни кезда мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик бўйича ҳам тизимли ишлар амалга оширилди.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигида Халқаро меҳнат ташкилоти билан ҳамкорликда "Муносиб меҳнат орқали барқарор ривожланиш сари" мавзусида видеоконференцалоқа шаклида ўтган давра суҳбатида хорижлик экспертлар ҳам ана шу масалалар бўйича эришилган ютуқларимизни эътироф этди.

Хусусан, иштирокчи вакиллардан бири — Халқаро меҳнат ташкилоти бош директори ёрдамчиси Х.Коллер муҳим аҳамиятга эга бўлган ушбу тадбирни ташкил этгани учун Ўзбекистонга миннатдорлик билдириб, пандемия барча соҳаларга салбий таъсир кўрсатаётган бир вақтда, меҳнат муносабатларини қўллаб-қувватлаш долзарб эканини таъкидлади.

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева кириш сўзи билан очилган давра суҳбатида Халқаро меҳнат ташкилотининг Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари бўйича минтақавий бюроси директори раҳбарлигидаги делегация, БМТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари раҳбарлари, бир қатор нуфузли халқаро ташкилотларнинг юртимиздаги вакиллари ҳамда маҳаллий вазирлик, ташкилотлар мутасаддилари иштирок этди.

Учрашувда асосий эътибор Ўзбекистонда аҳоли бандлигини таъминлаш, барқарор иш ўринларини ташкил этиш, муносиб ва хавфсиз меҳнат шароитини яратиш, мавсумий ишчиларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳар томонлама ҳимоялаш, қишлоқ хўжалиги соҳасини диверсификация қилиш масалаларига қаратилди. Ўз навбатида, Ўзбекистонда болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатнинг олдини олиш бўйича кўрилаётган чораларнинг самарадорлиги, Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан 2020 йилда пахта йиғим-терими мавсуми давомида ўтказилган "Учинчи томон мониторинги" натижалари муҳокама қилинди.

— Президентимизнинг қатъий сиёсий иродаси, аниқ кўрсатмалари туфайли 2016 йилдан буён республикамизнинг барча ҳудудларида, аввало, қишлоқ хўжалиги соҳаси, пахта терими мавсумида мажбурий меҳнатга йўл қўймасликка қаратилган тизимли чора-тадбирлар амалга ошириб келиняпти, — деди бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири Нозим Ҳусанов. — Охирги уч йилда Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан бир нечта хорижий тузилмаларни жалб қилган ҳолда, пахта терими мавсумида мажбурий меҳнатга йўл қўйиш ҳолатлари бўйича "Учинчи томон мониторинги" ўтказилаётган эди. Мониторинг ишлари 2020 йилда ҳам давом эттирилди. Онлайн учрашувда Халқаро меҳнат ташкилотининг Европа ва Марказий Осиё бўйича раҳбарияти томонидан 20 га яқин турли халқаро ташкилотлар иштирок этган мониторинг натижалари бўйича ҳисобот берди. Бу жараёнларга бириктирилган малакали мутахассисларнинг хулосасига кўра, Ўзбекистонда болалар меҳнати мутлақо йўқ, ўтган йилда тизимли мажбурий меҳнатга ҳам умуман йўл қўйилмаган.

Буни, албатта, юртимизда муносиб меҳнат шароитларини яратиш бўйича қўйилган катта қадам сифатида баҳолаш мумкин. Шу билан бирга, бу ўзгаришлар янги иш ўринлари яратишга, диёримизга хорижлик инвесторларнинг янада кўпроқ кириб келишига замин яратади. Келгусида аҳоли бандлигини таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантиришга доир режаларимизни амалга оширишга ижобий таъсир кўрсатади.

Тадбирда Халқаро меҳнат ташкилоти билан ҳамкорликда пахтачилик соҳасида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатнинг олдини олишга қаратилган мониторинг ишларини давом эттириш, 2021 йилдан бошлаб иқтисодиётнинг бошқа соҳаларида ҳам фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари иштирокида мазкур жараённинг ўтказилишини йўлга қўйишга келишиб олинди.

ЯНГИ ТИЗИМ

# ТАДБИРКОРЛАР УЧУН КЕНГ ИМКОНИЯТ ВА РАҒБАТЛАР

## 105 та лицензия ва рухсатнома бекор қилинади, 115 таси бўйича тартиб-қоидалар соддалаштирилади



**Актам ҲАИТОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари**

**Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётнинг ўсиш нуқталаридан бири саналади. Ўтган йили халқимиз бошига тушган оғир синовлар пайтида ҳам иқтисодиётнинг барқарор ишлаши учун улар давлат билан теппа-тенг ҳисса қўшганини ҳаммамиз кўрдик, гувоҳи бўлдик.**
**Шу жиҳатдан, 2020 йилда мураккаб синовларга қарамай, давлатимиз раҳбари бошчилигида бизнесни қўллаб-қувватлаш учун барча тезкор чора-тадбирлар кўрилди, етарли ресурслар ажратилиб, зарур шароитлар яратилди. Мақсад битта — тадбиркорлар сонини кўпайтириш, одамларни ишбилармон қилиш, янги иш ўринлари яратиш.**

Жорий йилда ҳам тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш бўйича янада қулай шароитлар яратилиб, пандемия даврида айланма маблағ танқислигига дуч келган тадбиркорларнинг оёққа туриб олишлари учун уларга кўмак бериш изчил давом эттирилади.

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлисга Мурожаатномасида бу масалага алоҳида тўхталиб, оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида жорий йилда 6 триллион сўм имтиёзли кредитлар ажратилишини таъкидлади. Ҳукумат томонидан Жаҳон банки билан биргаликда бошланган қишлоқларда тадбиркорликни ривожлантириш дастурини кенгайтириш учун қўшимча 100 миллион доллар йўналтирилишини билдирди.

Бундан 4 йил олдин тадбиркорлик субъектларида текширишлар ўтказишга мораторий эълон қилинган эди. Бунинг натижасида ўтган даврда тадбиркорлар сони 2 баробар кўпайиб, 400 мингтага етди. Шу нуқтаи назардан, мамлакатимиз раҳбари мораторий муддатини яна бир йилга узайтириш таклифини илгари сурди.

Ҳукумат томонидан бозорда тенг рақобат муҳитини яратиш ва ҳалол-пок, замонавий технологиялар асосида ишлаётган виждонли тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида "яширин иқтисодиёт"ни қисқартиришга қаратилган механизмлар жорий этилиши белгиланди.

Албатта, республикамизда ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш, ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, эскирган, замон талабларига мос келмайдиган тартиб-таомилларни такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар эътиборга молик. Чунки мазкур йўналишларда олиб борилган ишлар лицензиялаш ва рухсат бериш тизимини либераллаштириш ҳамда институционал ислоҳ қилишнинг янги босқичини бошлаш учун мустаҳкам асос яратди.

Лекин ҳозирги давр лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан такомиллаштириш ҳамда бюрократик тўсиқларни бартараф этиш орқали тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун янада кенг шарт-шароитларни яратишни тақозо этмоқда. Акс ҳолда, ортиқча бюрократия ва бошқа тўсиқлар сабаб тадбиркорлик фаолияти ривожланмайди, бу иқтисодий ўсиш суръатига салбий таъсир кўрсатади, турли суиистеъмолликлар, ортиқча босим юзага келади.

Мурожаатномада айтилганидек, тадбиркорларга янада қулайлик яратиш мақсадида 105 та лицензия ва рухсатноманинг бекор қилиниши, 115 таси бўйича тартиб-қоидаларнинг соддалаштирилиши уларга алоҳида фаолият турлари бўйича бизнесни бошлаш ва юритиш учун кенг имкониятлар эшигини очади.



Ушбу ташаббусни амалга оширишга йўналтирилган ва Ҳукумат томонидан киритилган "Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор этиш тартиб-таомиллари тўғрисида"ги қонун лойиҳаси бундан икки ҳафта олдин Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида кўриб чиқилди.

Лицензиялаш ва рухсат бериш соҳасидаги миллий қонунчиликни тизимлаштириш мақсадида ишлаб чиқилган қонун лойиҳасида амалдаги "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги ва "Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида"ги қонунларни бирлаштириб ягона ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиш назарда тутилмоқда.

Қонун лойиҳасига кўра, лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомилларидан ўтиш фақатгина электрон тарзда ихтисослаштирилган махсус электрон тизим — "Лицензия" ахборот тизими, шунингдек, Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали амалга оширилади.

Таклиф этилаётган қонун лойиҳасида лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларнинг электрон шаклда тақдим этилиши муносабати билан уларнинг дубликатини бериш, шунингдек, лицензия шартномасини тузиш институтини бекор қилиш ҳам назарда тутиляпти. Қолаверса, талабгорларнинг лицензия ҳамда рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш тўғрисидаги мурожаатини кўриб чиқишнинг соддалаштирилган тартиби ифодаланяпти.

Бизнинг фикримизча, қонун лойиҳасида белгиланаётган муддат мобайнида ваколатли орган тегишли қарор қабул қилмаганда, талабгор давлат божи ёки йиғим тўловини амалга оширгандан кейин махсус электрон тизим унга лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериши шарт. Бунда, талабгор фаолият билан лицензиясиз ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатсиз шуғулланганлик учун жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

Шу жиҳатдан, қонун лойиҳасида лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор этишга оид ҳуқуқбузарлик учун юридик шахсларга нисбатан жарима қўллаш институтини жорий этиш назарда тутилаётгани қизғин муҳокамаларга сабаб бўлди.

Бу борада юридик шахс жаримани бир ой давомида ихтиёрий тўлаган, шунингдек, амалга ошириш учун талаб этиладиган лицензия, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш тўғрисида мурожаат қилган ҳамда хабарнома юборганда, тайинланган жарима миқдорининг етмиш фоизи ундирилишига оид рағбатлантирувчи норма белгиланмоқда.

Хулоса ўрнида айтганда, мазкур ҳужжатнинг асосий мақсади — фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш, тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш ва хабардор этиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишдан иборат. Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши эса лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан такомиллаштириш, энг муҳими, мамлакатда ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини янада яхшилашга хизмат қилади.







# ЁШЛАР — ЎЗБЕКИСТОННИНГ БЕБАҲО ХАЗИНАСИ

# ЭНГ КАТТА МЕРОС — ЯХШИ ТАРБИЯ, ЭНГ КАТТА ҚАШШОҚЛИК — БИЛИМСИЗЛИК



**Садриддин ТУРОБЖОНОВ,
Тошкент давлат техника университети ректори**

**Мамлакатимиз аҳолисининг қарийб 55 фоизини ёшлар ташкил этади. Давлатимиз раҳбари ёшларни тараққиётнинг жуда катта таянчи, улкан ресурс, бебаҳо хазина, деб билади. 2021 йил — Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили деб номланди. Куни кеча Президентимиз раислигида бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида ҳам ёшлар бандлигини таъминлаш ва бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш билан боғлиқ долзарб вазифалар муҳокама қилинди.**

Йиғилишда яқинда ўтказилган Ёшлар форуми ва Мурожаатномада айтилган ғоя, ташаббус ва таклифларни амалга ошириш, ёшлар билан ишлаш бўйича янгича тизимни жорий этиш — бугунги давр талаби экани таъкидланди. Президентимиз бу ишлар иккита муҳим йўналишда ташкил қилиниши зарурлигини кўрсатиб ўтди. Биринчиси — ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, касб-ҳунарга ўқитиш орқали уларнинг бандлигини таъминлаш, иккинчиси эса ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишдан иборат. Бу вазифаларни амалга ошириш, ўз навбатида, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини аниқ мақсадга йўналтириш, уларда миллий ғурур, ватанга содиқлик туйғусини янада мустаҳкамлаш, маънавиятини муттасил юксалтириб боришни тақозо этади.

Мамлакатимизда халқимиз тарихи, маданияти, моддий ва маънавий бойликлари, жаҳон тамаддуни ривожига улкан ҳисса қўшган алломаларимизнинг улкан меросига бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Улар меросини қайта тиклаш, тарихий шахслар, буюк алломалар, шаҳарлар, маданий ёдгорликлар санасини нишонлаш анъанага айланди. Президентимиз раислигида 2021 йил 19 январда маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида ёшларимизни ватанпарварлик, миллий ифтихор руҳида тарбиялашда халқимиз тарихи муҳим ўрин тутиши ва бу йўналишда илмий тадқиқотлар натижадорлигини кучайтириш кераклиги таъкидланди.

“Миллий тарихни миллий руҳ билан яратиш керак. Акс ҳолда, унинг тарбиявий таъсири бўлмайди. Биз ёшларимизни тарихдан сабоқ олиш, хулоса чиқаришга ўргатишимиз, уларни тарих илми, тарихий тафаккур билан қуроллантиришимиз зарур”, деди давлатимиз раҳбари. Мутасаддиларга Ўзбекистонда тарих фанини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди. Миллий ғоя тарғиботини кучайтириш, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, ёшларда адабиёт ва китобхонликка меҳр уйғотиш, ижтимоий-гуманитар йўналишдаги тадқиқот институтлар фаолиятини йўлга қўйиш айтиб ўтилди.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган юксак маънавиятли, мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаган ёшларни тарбиялаш, уларда миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат ҳиссини юксалтириш, қалби ва онгида мафкуравий иммунитетни шакллантириш ва такомиллаштиришнинг маънавий-маданий асосларини ўрганиш ва таҳлил этиш каби вазифалар олий таълим ташкилотлари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Ушбу ривожланиш дастурида маънавий бойликларни тиклаш, миллатнинг ахлоқий намунасини такомиллаштириш ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш асосий вазифалардан бири сифатида белгиланган.

Мамлакатимизда ёшлар фаолияти билан боғлиқ туб ислоҳотлар амалга оширилмоқда. 2017 йилда ёшларни давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий ҳамда ижтимоий ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва рўёбга чиқаришни таъминлайдиган зарур шарт-шароитларни яратиш, жамият ҳаётида навқирон авлоднинг ўрни ва фаоллигини ошириш мақсадида “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонун янги таҳрирда қабул қилинди. 2017 йил 30 июнда Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи тузилди.




Ҳаким ЙЎЛДОШЕВ олган суратлар.

Мазкур қонунда Ўзбекистон ёшлари халқаро ассоциациясини тузиш ва унинг самарали фаолият юритиши учун тегишли шарт-шароитлар яратиш, янги авлодни хориждаги тенгдошлари билан илм-фан, маданият, тадбиркорлик, спорт ва бошқа соҳаларда фаол мулоқотда бўлишининг ҳуқуқ ва имкониятлари белгилаб берилди. Ёшларнинг дунё миқёсида ўз салоҳиятини намоён этиши учун 2018 йилда Самарқанд шаҳрида Ўрта Осиё ёшлари форуми ўтказилди. Уюшмаган ёшларнинг бандлигини таъминлаш масалалари кўриб чиқилиб, уларни бунёдкорлик ишларига жалб қилиш, ижтимоий фаоллаштириш борасида дастурлар қабул қилиняпти. Мамлакатимизда Ёшлар парламенти, Ёшлар ишлари агентлиги фаолият кўрсатмоқда.

Яқинда бўлиб ўтган Ёшлар форуми мамлакатимизда улар учун қандай имкониятлар эшиги очилаётганига яққол далил бўла олади. Кириш имтиҳонларида юқори балл тўплаган ёшларга 4 йиллик Президент стипендиялари тўланади, икки ва ундан ортиқ фарзандлари олий ўқув юртида ўқиётган оилаларга имтиёзли кредитлар ажратилади, “IELTS”, “TOEFL”,” GMAT”, “SAT” каби имтиҳонларда 75 фоиз балл тўплаган ёшларнинг харажатлари тўлиқ қопланади.

Ҳозирги глобаллашув даврида инсониятга, айниқса, ёшларга маънавий ва ахлоқий жиҳатдан тубан иллатларни ўзида мужассамлаштирган “оммавий маданият” таҳдид солмоқда. Бу унсур “маданият” деб аталса-да, туб мазмун-моҳияти, мақсадларига кўра, чинакам маданиятнинг кушандаси. “Оммавий маданият” ғарб маданий ҳаётининг деярли барча соҳасини қамраб олган бўлиб, у халқнинг ўзлиги ва маданиятини йўқотишга қаратилган. У халқни халқ, миллатни миллат қилиб турган асослар, яъни минг йилликлар мобайнида шаклланиб, ривожланиб келаётган маданий, маънавий, маърифий, ахлоқий ва руҳий анъана, қадрият ҳамда тамойиллардан бегоналаштиришга йўналтирилган хуруждир. Бундай маданиятга қарши курашиш йўлида ислом динининг инсонпарварлик ва бағрикенглик ғояларини чуқур ўрганиш, Имом Мотуридий, Имом Бухорий, Имом Термизий, Ҳаким Термизий, Абу Лайс Самарқандий, Қаффол Шоший, Абул Муин Насафий, Макҳул Насафий, Маҳмуд Замахшарий, Баҳоуддин Нақшбанд, Бурҳониддин Марғиноний, Хоразмий, Мирзо Улуғбек ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур сингари улуғ мутафаккирларнинг илмий-маънавий меросини тадқиқ этиш бугунги кундаги манфаатпарастлик ботқоғига ғарқ бўлаётган инсонларни жаҳолат чангалидан қутқаришда муҳим маънавий таянч бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиз.

Ёшларимизни турли вайронкор ғоялардан асрашимиз, мутафаккирларимизнинг бой маънавий меросидан баҳраманд қилишимиз керак. Президентимиз бу ҳақда “Бу вазифаларни амалга оширишда биз асрлар мобайнида шаклланган миллий анъаналаримизга, аждодларимизнинг бой меросига таянамиз. Фарзандларимиз, айниқса, қиз болаларнинг замонавий билим ва касб ҳунарларни, хорижий тилларни эгаллашлари, ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлиб, ҳаётдан муносиб ўрин топишлари учун барча имкониятларимизни сафарбар этамиз”, деди. Маълумки, юртимизда ёшларни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларнинг ахборот технологиялари бўйича саводхонлигини ошириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш вазифаларини ўз ичига олган "бешта муҳим ташаббус" амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар ёшларни ахлоқли қилиб тарбиялаш, ватанпарварлик руҳида вояга етказишга қаратилган. “Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари” ғояси ёшларни она Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, уларда ташаббускорлик, фидойилик, ахлоқий фазилатларни шакллантириш, пировардида янги Ўзбекистонни бунёд этишда уларнинг асосий куч сифатида намоён бўлишига хизмат қилади. Президентимиз айтганидек: "Нафақат ёшлар, балки бутун жамиятимиз аъзоларининг билими, савиясини ошириш учун, аввало, илм-маърифат, юксак маънавият керак. Илм йўқ жойда қолоқлик, жаҳолат ва, албатта, тўғри йўлдан адашиш бўлади. Шарқ донишмандлари айтганидек, "Энг катта бойлик — бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос, бу — яхши тарбия, энг катта қашшоқлик, бу — билимсизлик!".

Ёшларнинг интеллектуал ва маънавий эҳтиёжларини қондириш мақсадида анъанавий тадбирлар, конференциялар ўтказилмоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Президент мактаблари, халқимиз ардоғидаги ёзувчи ва шоирлар номида ижод мактаблари, ихтисослашган мактаблар, Адиблар хиёбони ташкил этилди. Ушбу хиёбон эндиликда ёшларимизнинг севимли масканига айланган.

Нафақат бизнинг университет, балки барча олий таълим муассасаларида иқтидорли ёшларга катта эътибор қаратилаётганига гувоҳмиз. Бугунги кунда ташаббускор ёшлар мамлакатимизда амалга оширилаётган янгиланишлар жараёнида бевосита иштирок этмоқда.

Ёшларимизни маънавий-ахлоқий соғлом этиб тарбиялашда уларнинг муаммоларини ўрганиш ва бартараф этиш, маданий-тарихий анъана, миллий қадриятларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат, миллий ғояга садоқат руҳида тарбиялашда ота-она, маҳалла ва таълим даргоҳлари билан ҳамкорликда фаолият олиб бориш, навқирон авлоднинг бўш вақтини банд қилиш мақсадида турли ихтисос ва йўналишлардаги мутахассисларни жалб қилган ҳолда, конференция, давра суҳбатлари ўтказиш, маънавий тарғиботда учрайдиган муаммо ва камчиликларни очиқ муҳокама қилиш муҳим ўрин тутади.

Шунингдек, миллий интернет портали ва матбуот нашрлари фаолиятини миллий маънавиятимизни кучайтиришга йўналтириш, ёшларда аждодларимиз ёдига ҳурмат туйғусини уйғотиш, буюк алломаларимиз ва тарихий шахслар қўним топган қадамжоларга уларнинг зиёратини ташкил этиш, янги авлод тарбиясига ижобий таъсир этадиган асарларни тарғиб қилиш лозим.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси кўп жиҳатдан ёшларимиз дунёқараши, тарихимизга муносабат, миллий ғояга садоқат билан узвий боғлиқ. Бугунги шиддатли даврда чинакам маънавиятли инсон бўлиш учун ўз миллий қадриятларини эъзозлаши, ўзлигини англаши, жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшиши, она Ватанини жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин олиши учун фидойи бўлиши керак.

“Агар катта авлоднинг билими ва тажрибасини, узоқни кўра олиш фазилатларини, ёшларимиздаги ғайрат-шижоат, мардлик ва фидойилик билан бирлаштира олсак, кўзлаган марраларга, албатта, етамиз. Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуғ мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улуғбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиз керак”, деди давлатимиз раҳбари. Ушбу мақсадга эришиш йўлида ёшларимизга кенг имконият яратиш ва ҳар томонлама кўмак бериш — барчамиз учун устувор вазифага айланиши зарур. Фарзандларимиз шундагина халқимизнинг асрий орзу-умидларини рўёбга чиқарадиган буюк ва қудратли кучга айланади. “Янги Ўзбекистон мактаб остонасидан, таълим-тарбия тизимидан бошланади”, деган ғоя айни шу мақсадга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Президентимизнинг: “Илмни қадрланг, илмга интилинг! Бир сония вақтингиз ҳам бекор ўтмасин! Ёшлик — умрнинг энг бебаҳо даври. Илм ва билим — ўтда ёнмайдиган, сувда чўкмайдиган, ҳеч ким сиздан тортиб ололмайдиган бойлик эканини асло унутманг!” деган даъвати моҳиятини ҳар бир маънавиятли, маърифатли ёш авлод чуқур англаши ва хулоса чиқариши лозим.

Маънан соғлом авлодни тарбиялашда спорт муҳим ўрин тутади. Президентимизнинг 2020 йил 30 октябрдаги “Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида ҳар бир оила, маҳалла ва туман (шаҳар)да, мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ва олий таълим муассасалари ҳамда бошқа ташкилотларда жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан шуғулланиш асосий йўналишлардан бири этиб белгиланган. Спортнинг аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, ёш авлодни соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ёшлар ва аҳоли ўртасида зарарли одатлар, турли касалликларнинг олдини олиш, юксак маданият, ватанпарварлик туйғуларини шакллантиришда ўрни беқиёс. Спортда эришилган ютуқлар мамлакатни дунёга танитади, юртдошларимизга ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Ёшлар маънавиятини юксалтиришда ўзбек тили ва адабиётининг аҳамияти катта. Айни шу мақсадда Тошкент давлат техника университетида талабалар учун “Абдулла Қодирий издошлари” ва “Ёш нотиқлар” тўгараклари ташкил қилинган. Абдулла Қодирий ҳаёти ва ижодини оммалаштириш университетимизга бириктирилган бўлиб, бу борада “йўл харитаси” ишлаб чиқилди. Абдулла Қодирий ижод мактаби билан ҳамкорлик йўлга қўйилди. Ижод мактабининг иқтидорли ўқувчиларига “Абдулла Қодирий” стипендияси таъсис этилди. Адиблар хиёбонида буюк адиб Абдулла Қодирий ҳаёти ва ижодий фаолиятига бағишланган бир қанча маънавий-маърифий учрашув ва кечалар ўтказилди.

Ёшларда китобхонлик маданиятини ривожлантириш мақсадида “Китоб ва китобхонлик — инсон маънавияти кўзгуси” мавзусида илмий-маърифий танлов ташкил этилди.“Ўзбек тилининг ҳозирги кунда давлат тили сифатида кенг қўлланилиши ва ривожланиши масалалари” мавзусида талабаларнинг республика онлайн конференцияси ҳамда “Абдулла Қодирий ижодида давр ва миллат талқини” мавзусида республика онлайн конференцияси ўтказилди. Бундай маънавий-маърифий ишлар маънавиятли, илғор ва янги Ўзбекистоннинг пойдевори бўладиган ёшларни тарбиялашда ўз самарасини беришига ишончимиз комил.

## ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ РАИСЛИГИДА 27 ЯНВАРЬ КУНИ ЁШЛАР БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА БЎШ ВАҚТЛАРИНИ МАЗМУНЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ МУҲОКАМАСИ ЮЗАСИДАН ВИДЕОСЕЛЕКТОР ЙИҒИЛИШИ ЎТКАЗИЛДИ



**Президентимиз ёшлар билан ишлаш бўйича ИККИТА МУҲИМ ЙЎНАЛИШни кўрсатиб ўтди.**

- **БИРИНЧИСИ – ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, касб-ҳунарга ўқитиш орқали уларнинг бандлигини таъминлаш;**
- **ИККИНЧИСИ – ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишдир.**

**! Бугунги кунда 18-30 ёшлилар орасида расмий ишсизлик 17 фоиз экани қайд этилди. Шу борадаги масалаларни тизимли ҳал этиш мақсадида Республика ишчи гуруҳи жойларда ўғил-қизларнинг таклифларини “МАҲАЛЛАБАЙ” ўрганмоқда.**

- Жорий йилда **500** минг нафар ёшни касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитиш зарурлиги таъкидланди. Туман ва шаҳарларда анъанавий ёки масофавий ўқув курсларини кўпайтириш, **ишсиз ёшларни ушбу тизим орқали касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитиб, бандлигини таъминлаш бўйича топшириқлар берилди.**
- **“Ёшлар: 1+1”** дастури доирасида ўғил-қизларни тадбиркорларга бириктириб, уларда бизнес кўникмаларини шакллантириш, **имтиёзли кредитлар ажратиб, ўз фаолиятини бошлашга кўмаклашиш зарурлиги айтилди.**
- Тошкент шаҳрида **26** минг ёш ишсиз. Айни пайтда бу ерда **77** мингта вакант бор, шундан **45** мингтасига олий маълумот талаб этилмайди. Давлатимиз раҳбари ёшларни касбга ўқитиш орқали малака тоифасини бериб, шундай **вакант ўринларга жойлаштириш мумкинлигини таъкидлади.**
- Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига “Ишга марҳамат” мономарказларида, шунингдек, қатор олий таълим муассасалари ва йирик саноат тармоқларида малакани баҳолаш марказлари ташкил этиш вазифаси қўйилди. Бу орқали **жорий йилнинг ўзида 30 минг йигит-қизга малака сертификати бериб, уларнинг бандлигини таъминлаш мумкинлиги айтилди.**
- Бош вазир ўринбосарига жойларда ҳар **10** гектар экин еридан **1 гектарини ёшларга деҳқончилик учун ажратиш тартибини жорий этиш вазифаси топширилди.**



- Ҳар бир туманда камида биттадан мактабда IT-тўгараги очиш, яна **100** та Рақамли технологиялар ўқув маркази ташкил этиб, **20** минг йигит-қизни дастурлаш ва ахборот технологиялари соҳасида тадбиркорликка ўқитиш муҳимлиги таъкидланди.
- **Давлатимиз раҳбари иқтидорли ёшларни кашф қилиш,** уларнинг ташаббус ва интилишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида **“ЎЗБЕКИСТОН УЧУН 100 ҒОЯ”** лойиҳасини илгари сурди.

## АЛИШЕР НАВОИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 580 ЙИЛЛИГИГА

**Эшпўлат ЖУМАНОВ,**
**тадқиқотчи**



Ҳаким ЙЎЛДОШЕВ олган сурат.

# ҲАҚДАН ХАБАР БЕРГУВЧИ УММОН

## ёхуд улуғ шоир асарларига ҳамиша маънавий эҳтиёжимиз бор

**Ҳазрат Алишер Навоий ижоди мисли бир баҳри уммондирким, ундан баҳра олган ҳар бир инсон қалби бевосита Ҳаққа талпинаверади. Аслида бу буюк шахс ҳақида шу пайтгача неча-неча даҳолар кўп ва хўп ёзган. Ҳазрат Навоий ижодиёти мана беш ярим асрдан бери ўрганилади, севиб мутолаа қилинади.**



Шоир ижодининг ранг-баранглиги яратилган асарларининг юксак инсоний туйғулар билан йўғрилганлиги шеърияти, достонлари ва насрий асарларида шарқона ахлоқий фазилатларни тарғиб этганлиги билан миллионлаб адабиёт ихлосмандларини ўзига маҳлиё қилиб келмоқда. Унинг барча асарлари шахс ва жамият тарбиясига қаратилган бўлиб, шаклан гўзал, мазмунан теран ва бадиий жиҳатдан юксак, баркамол инсонни куйлайди. Ҳазрат Алишер Навоий Шарқ Уйғониш даврининг етук намояндаси, дунё тамаддуни тарихида алоҳида ўрин тутган ёрқин шахслардан биридир. У ўзининг умуминсоний ғоялари, бадиий, фалсафий, диний, эстетик қарашлари, ўлмас шеърий асарлари билан башарият тафаккури ривожига беқиёс ҳисса қўшган буюк шоир ва давлат арбоби ҳамдир.

Ҳазрат қаламига мансуб туркий тилда битилган етти йирик девон ва беш достондан иборат "Хамса"нинг ўзиёқ шоир даҳосининг нечоғлиқ юксак эканини кўрсатиб туради. Шоир яратган достон ва қасидалар, илмий ҳамда дидактик асарлар беш ярим асрдан буён ўз аҳамиятини йўқотмасдан келади. Айниқса, "Хамса" эпопеяси бадиий-фалсафий жиҳатдан ўзидан олдинги салаф хамсанавислари ижоди орасида ўзгача жилоланиб туради. Бунинг асосий сабабларидан бири достон соф туркий тилда ёзилгани бўлса, иккинчидан, унинг бадиий, фалсафий жиҳатдан ўта таъсирчан ва бетакрор шеърий санъатларни ўзида мужассам этганлигида ҳамдир. Ҳазрат Навоий дунёда бебаҳо бўлган гўзал туркий адабиётни тақдим этган шоир сифатида ҳам мангуликка дахлдор.

*Олибмен тахту фармонимға осон,*
*Черик тормай Хитойдин то Хуросон.*
*Хуросон демаким Шерозу Табриз,*
*Ки қилмишдир найи қилким шакаррез.*
*Кўнгил бермиш сўзима турк жон ҳам,*
*Не ёлғузтурк, балким туркмон ҳам,*

деган эътирофи муболағадан мутлақо холи.

Алишер Навоий ижоди Шарқ адабиётининг бой адабий анъаналари заминида майдонга келди ва ўз навбатида, кейинги давр адабиёти ривожига самарали таъсир кўрсата олди. Маълумки, Навоий нафақат ўзбек тилида, балки форсий тилда ҳам салмоқли (форсий тилдаги тахаллуси Фоний) мерос қолдирган. Унинг форс шеърияти анъаналарини тиклашга бўлган рағбатини Абдураҳмон Жомий шундай эътироф этган:

*Зичархофаринҳо бар он килк бод!*
*Ки ин нақши матбуъ аз он килкзод.*
*Бебахшид бар форсий гавҳар он,*
*Ба назми дарий дурри назм оварон.*

(Маъноси: "*Шундай ажойиб нақш туширган ул қаламга фалакдан офаринлар ёғилсин! Форсийга гавҳар, дарий назмига нуктадонлар дурини инъом этди*").

Алишер Навоий асарларида комил инсон муаммоси марказий ўринни эгаллайди ва ўз орзусидаги етук шахсни асарларининг қаҳрамонлари тимсолида гавдалантиришга уринади. У комил инсон ақлли, ахлоқли, билимли, ижодкор, қобилиятли, камтар, саховатли, сабр-қаноатли, адолатли, соғлом, мард ва жасур бўлиши лозимлигини таъкидлайди.



Шунингдек, илм ўрганиш машаққатли юмуш бўлиб, уни ўрганишда айрим қийинчиликларни енгиб ўтишга тўғри келиши, бу йўлда чидамли, қаноатли, бардошли бўлиш орқалигина мукаммал билимга эга бўлиш мумкинлигини уқтиради.

Аллома асарларида адолат ва инсоф, сабр ва қаноат, эзгулик ва саховат, меҳр ва мурувват қанчалик улуғланса, манманлик ва риё каби иллатлар шу даражада қораланади. Бу дунёда нафсоний лаззатларга берилиш, ўзига берилган умр деб аталмиш бебаҳо неъматни фақат ўзининг шаҳвоний манфаатларини қондиришдан иборат деб билиш инсонни тубанликка етаклаши алоҳида урғуланган.

Ҳазратнинг деярли барча асарларида ояту ҳадисларнинг, айниқса, ислом тасаввуфининг, исломий ҳикматнинг таъсири сезилиб туради.

Мовароуннаҳр маданий-маънавий муҳитида Алишер Навоий тафсир илмини ривожлантириш мақсадида мазкур соҳага ўз даврининг етук олим ва муфассирларини жалб этган ҳамда уларга ҳомийлик ҳам қилган.

Ҳазрат Навоийнинг "Хамса", "Ситтаи зарурия", "Насойим ул-муҳаббат", "Тарихи анбиё ва ҳукамо", "Сирож ул-муслимин" каби асарларида, умуман, назм ва насрдаги ёзма меросида ислом масалалари бўйича кўп ҳолларда Қуръон оятларига асосланган мулоҳазалар баён қилинганини кўриш мумкин. Навоий "Сирож ул-муслимин" номли асарида шариат аҳкомларини, Аллоҳнинг саккиз сифатини англатганидан сўнг, Ислом асосларини назмда баён этади.

Ҳазрат Навоий бутун ҳаёти ва ижодини Қуръон оятлари, ҳадислар асосига қурган комил мусулмоннинг ибратли намунасидир.

*Олам эли ичра гар гадо, гар шоҳ эрур,*
*Не дардки, ул кўнгли аро ҳамроҳ эрур.*
*Қуръонни тиловат этсун ар огоҳ эрур,*
*Эл кўнглига чун даво Каломуллоҳ эрур.*

Навоий ижодиётини ўрганиш шунчаки жўнгина ҳодиса эмас. Бу, ўз навбатида, Қуръони карим, Суннати набавия, шариат ва тасаввуф илмидан маълум маънода хабардор бўлишни тақозо этади. Чунки аллома яратган асарларнинг деярли барчасида бевосита ишқи илоҳийнинг гўзал намуналари мужассамдир.

*Айлагин жондин жудо,*
*Қилгунча имондин жудо.*

Жонондин жудо дейилганда ҳам айни маъно тушунилади. Алишер Навоий ижодида ишқ энг муҳим мавзулардан биридир. Масалан, "Маҳбуб ул-қулуб" асарида Навоий "ишқ зикрида" фикр юритар экан, уни уч тоифага бўлади: биринчиси — авом ишқи бўлиб, шоир унга "бу қисмнинг бийикрак мартабаси шаръий никоҳдурким, бари халойиққа суннатдур ва мубоҳ", дея таъриф беради. Бугунги кунда кўпчилик севги, муҳаббат деганда, мана шу мақомдаги туйғуни англайди. Иккинчиси — хослар ишқи бўлиб, уни "пок кўзни пок назар била пок юзга солмоқдур ва пок кўнгул ул пок юз ошубидин (ҳаяжонидан) қўзғолмоқ", дея таърифлайди. Ниҳоят, учинчиси — "сиддиқлар ишқидурким, алар ҳақнинг тажаллиёти жамолиға мазоҳир воситасидин айру вола ва мағлубдурлар". Навоий таърифлаган учинчи тоифадаги "ишқ" тушунчасини ўз умрини тасаввуфшунослик-дек мураккаб илм соҳасига бағишлаган айрим олимларгина тушунади, холос.

*Мосиваллоҳ хотиримдин салб қил,*
*Анда зикрингни ҳузури қалб қил.*

Яъни "Аллоҳ, менинг қалбимдан ўзингдан ўзганинг ёдини олиб ташла ва ўзингнинг зикрингга мойил қил". Бу байт билан Ҳазрат Қуръони каримдаги машҳур бир ояти каримага ишора қилмоқда ("Ала бизикриллаҳи татмаинил қулуб" — "Мени эслаганингизда қалбингиз ором олсин"). Ёки бошқа бир байтда "Ошиқки ком анга раво бўлғай, ошиқлик анга ҳаром бўлғай", дейдилар.



Яъни ким бу дунёда ишқи илоҳийга етдим деса, унинг ишқи унга ҳаром бўлади, чунки бу дунёда Аллоҳнинг ишқига етиб бўлмайди.

Навоийшунос олимларнинг фикрича, шоир асарларида тасвирланган ишқ юқорида биз келтириб ўтган ишқнинг 3 турини ҳам ўзида мужассамлаштирган, дейиш мумкин.

*Ул паривашким,*
*бўлубмен зору саргардон анга,*
*Ишқидин олам манга ҳайрон,*
*мен ҳайрон анга…*
*Номайи шавқум не навъ ул ойға етгай,*
*чунки мен*
*Эл отин ўқур ҳасаддин ёзмадим*
*унвон анга…*
*Истамиш булбул ва фогулдин,*
*магарким жоладин*
*Бағри қотмиш ғунчанинг —*
*баским эрур хандон анга.*
*Қилмағон жонин фидо жононға етмас,*
*дер эмиш,*
*Эй Навоий, ушбу сўз бирла фидо*
*юз жон анга.*

Бугунги кунда ҳар бир шахс, айниқса, биз, ёшлар ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ Навоий ижодига муҳтожмиз. Зеро, Ҳазрат асарларида тараннум этилган комил инсон тушунчаси ҳамон ўз долзарблигини йўқотмаган.

## ЯНГИ КИТОБЛАР

# УЧ ҚАЛБ АРМУҒОНИ

**Юлдуз ЎРМОНОВА,**
**Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори**

**Адабиёт яна уч яхши асарга бойиди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Қорақалпоғистон халқ шоири Кенгисбой Каримовнинг "Оғабий" романи, таниқли ёзувчи Хайриддин Султоннинг "Одамлардан тинглаб ҳикоя" насрий китоби ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Шодмонқул Саломнинг "Шеър сайёраси" китобининг тақдимоти бўлиб ўтди.**



Тадбирни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиддин Саййид очиб берар экан, бугун ёшларнинг адабиётга муҳаббатини оширишда зарур бўлган маънавий ва моддий омиллар хусусида сўз юритди. Шунингдек, маросимда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўрозбой Абдураҳмонов, Қорақалпоғистон халқ шоири Рустам Мусурмон, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Иброҳим Ғафуров, ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммад, шоир Эшқобил Шукур, филология фанлари доктори Нурбой Жабборов сўзга чиқиб, муаллифларни янги китоблари билан табриклаб, ўз фикрларини баён этди.

### "Оғабий" — дўстлик туҳфаси

Қорақалпоғистон халқ шоири Кенгисбой Каримовнинг тарихий мавзудаги ушбу роман-дилогияси икки китобдан иборат бўлиб, биринчиси —"Кўч", иккинчиси "Ота юрт" деб номланади. Биринчи китоб — "Кўч" ўтган йиллар давомида қорақалпоқ тилидан ўзбек тилига ўгирилиб, 2013 йил Нукусдаги "Билим" нашриётида чоп этилган. 2020 йилда эса Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан асар яхлит китоб ҳолида нашрдан чиқди.

**Рустам Мусурмон, Қорақалпоғистон халқ шоири, таржимон:**

— Шу пайтгача Оролбўйида яшаётган матонатли халқнинг яна бир жасур йўлбошчиси Оғабий ҳақида бирон асар битилмаган эди. Асарда XIX аср қорақалпоқ халқи ҳаётидан лавҳалар бадиий тасвирланган. Бош қаҳрамон — Эрежеб Қулчибий ўғли Оғабий тарихий шахс бўлиб, ўз халқининг эркин ва озод ҳаёти учун гоҳо қўшнилар билан дипломатик муносабатлар олиб борган, гоҳо жангу жадалларда от сурган. Унинг номи қорақалпоқ халқи юрагида баҳодир ва донишманд йўлбошчи сифатида абадий қолган. "Кўч" — бизнинг туркий тилимиз хазинасида мазмуни олмосдек жилоланиб турадиган кўп маъноли сўзлардан бири. У от ва феъл сўз туркумларининг турли маъноларини ифодалайди. Кўч — тарихда эл-юрти ва мол-ҳоли учун чексиз ва бепоён даштларда қулай ва хавфсиз манзилу макон излаб, бола-чақасию аҳли аёли, навкарларию чўпонлари, ўтовларию қора уйлари, туяларию тулпорлари, қўйқўзилари, содиқ ва вафодор итлари билан гоҳ ёзловдан қишловга, гоҳ қишловдан ёзловга чуваб, кўчиб юрган кўчманчи халқ ҳаётида жуда теран аҳамиятга эга ном ва ҳаракатдир.

Кўч — йўлга чиқиш, сафарга отланиш деганидир. У баъзан карвон деган сўзга ҳам уйқаш. Лекин кўч карвондан кўра катта. Карвон — маълум бир йўловчилар ёки савдогарлар тоифасининг бир юртдан бошқа юртга йўл олган юк ортилган туялар, отлар, аравалар сафи бўлса, кўч — бир элнинг бутун борлиғи, мол-дунёси, аҳолиси. "Камбағал бўлсанг, кўчиб кўр" деганларидек, кўч ва кўчишнинг жуда кўп синовлари ва машаққатлари мавжуд. Олис йўлда кўчни турли бало-қазолардан, офату таҳдидлардан омон-эсон олиб ўтиш, кўзланган манзилга тўрт кўз тугал етказиш учун халққа доно, узоқни кўрадиган, қийинчиликлар ва хавф-хатардан қўрқмайдиган ботир ва курашчан йўлбошчи керак...

### Инсон руҳонияти жилвалари

Ҳассос шоиримиз Ҳамид Олимжон:
*Одамлардан тинглаб ҳикоя,*
*Ўсар эди шоирда ғоя",* деб ёзганда, мутлақо ҳақ эди.

Таниқли адиб Хайриддин Султоннинг "Одамлардан тинглаб ҳикоя" китоби ўттиз битта янги ҳикоядан иборат. Китоб Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг "Адабиёт" нашриётида янги "Наср гулшани" рукнида илк китоб сифатида 5000 нусхада чоп этилди. Тўпламга киритилган ҳаётномаларни муаллиф тўқиб чиқарган эмас, у фақат одамлардан эшитган ва бор ҳолида қоғозга туширган, холос. Ҳар бир қаҳрамон тақдирида шундоқ ёнимизда яшаётган турли инсонларнинг тарихи ва қисмати, бахтию бахтсизлиги, қувонч ва қайғуси ўзининг бадиий ифодасини топган.

Китобдаги ҳикоялар монолог тарзида ёзилган, яъни уларнинг ҳар бирининг айтувчиси бўлак. Масалан, "Омад" ҳикоясини машҳур уламо Анвар қори Турсунов, "Отамнинг айтганини қилишим керак"ни шоир Ориф Одилхонов, "Ҳар иш бўлса — Худодан" ҳикоясини маънавият фидойиси Зокиржон Машрабов, "Одам бўлган одам"ни ҳарбий врач Зикрилла Эгамбердиев сингари реал шахслар сўзлаб берган, деб нақл қилинади.

"Монолог", "Биринчи миллион", "Отабекнинг жанозаси", "Икки карра қаҳрамон", "Миллатчининг жазоси", "Бир умрнинг уч фасли" ҳикояларидаги қуйма, ёмби характерли бадиий сиймолар ҳам қайси бир жиҳатлари билан ҳаётда ўзингиз кўрган, учратган, суҳбатидан баҳраманд бўлган инсонларни ёдингизга солади.

**Иброҳим Ғафуров, адабиётшунос олим:**

— Мен китобда жамланган 31 ҳикояни 31 соатда ўқиб тугатдим. Асарда инсон руҳониятига урғу берилган, мустақилликдан аввалги ва кейинги даврни ўқувчи кўз олдида тасмадай ўтказади. Ёзувчи 31 ҳикоясида ҳам қаҳрамонларга сўз беради. Шу жиҳат билан ҳам асар ўзига хос. Тўпламдаги биринчи асар — "Омад" ҳикояси "Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм", деган табаррук калом билан бошланади ва у гўёки бутун китобнинг мазмун-мундарижасини белгилаб беради. Ўттиз битта ҳикояда бир-бирини такрорламайдиган, бир-бирига ўхшамайдиган ёрқин характерлар, қаҳрамонларнинг ички дунёси, қалб туғёнлари уларнинг бевосита ўз тили, ўз нутқи орқали очиб берилади. Бу эса ёзувчининг



бир қарашда жуда оддий, содда бўлиб туюладиган, аммо аслида ниҳоятда мураккаб бир ижодий услубни танлаб иш кўрганидан далолат беради. Ёзувчи кузатувчи, кузатган нарсаларни ифодалашга интилади. Ёзувчи Хайриддин Султонов синчков кузатувчи ва нозик ифодаловчи ижодкор сифатида яхши асарлар яратган.

### Ер сайёрасидан "Шеър сайёраси"гача

*Шоир қанотига ўт кетган қушдир,*
*Унга дон кўрсатманг, беринг осмонни.*
*То ёниб бўлгунча ёришсин олам,*
*Токи куйдирмасин куйган жаҳонни.*

Шоир Шодмонқул Саломнинг "Шеър сайёраси" китоби ушбу тўртлик билан бошланар экан, ўқирманни шундай еру само оралиғидаги сирларга чорлайди, ўзига ошно этади, деб ўйлаймиз.

**Эшқобил Шукур, шоир:**

— Ер шаридаги миллиардлаб юракнинг айримларигагина шеър меҳмон бўлади. Биринчи табиат ҳодисасида тақдир бизни тош ёмғиридан асраса, иккинчисида ҳам, шубҳасиз, Худонинг меҳрибонлиги бор. Шоирнинг янги китобига 200дан ортиқ сараланган шеъри киритилган. Шодмонқул Салом сатрлари қуйма десам, муболаға бўлмайди. Қофия қидирган шоир шоир эмас. "Шеър сайёраси" тўпламидаги ҳар бир шеър бир нафасда ёзилган. Туйғулар тасвири, оҳанг жаранги, ҳаммаси, тирик ва самимий. Руҳ янги бўлса, шакл ҳам янги бўлади, руҳ янгиландими, шоир ҳам янгиланади. Китоб муаллифи сатрлари билан ўқувчига ана шундай янги нафасни бахш этади.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

МУАССИС:
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

Бош муҳаррир: **Салим ДОНИЁРОВ**

"Янги Ўзбекистон" газетаси учун масъул:
бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари
**Бахтиёр Абдусатторов**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "KOLORPAK" МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** — 262.
10887 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

"Kolorpak" МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Абдурауф Қоржовов
Мусаҳҳиҳ: Мафтуна Мингбоева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: yuz-gazetasi@mail.ru

ЎзА якуни — 23:20 Топширилди — 00:05